

Еттидан етмишгача

«СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ
ДАВЛАТ ДАСТУРИ» АМАЛДА

Стол тенниси кўчма кубоги
биринчи зғасини топди



Маълумки, бу йил "Соғлом бола йили Давлат дастури" ижросини таъминлаш доирасида илк мартаба алоқа соҳасида фаолият юритаётган ходимлар ўртасида "СТОЛ ТЕННИСИ КЎЧМА КУБОГИ" таъсис этилиб, мусобақалар ташкил этилди. Ташкилотчилар – Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши, Ўзбекистон стол тенниси федерацияси. Жорий йилнинг 9 август кuni мазкур мусобақанинг якуний – финал босқичи Тошкент ахборот технологиялари университетининг спорт мажмуасида бўлиб ўтди.

5-бет

2-бет

ДУНЁ ШОДЛИГИНГА ТЎЛСИН, БОЛАЖОН!

Болалар — бизнинг эртанги кунимиз, келажгимиз эгалари. Шунинг учун ҳам республикамиз ҳукумати уларнинг соғлом ва баркамол вояга етиши учун кўплаб режали тадбирларни амалга ошироқда. Жорий Соғлом бола йили муносабати билан бу йўлда олиб борилаётган тадбирлар қўлами янада кенгайди. Эзгу ишлардан алоқа соҳаси корхона ва ташкилотларида фаолият юритаётган бошланғич касаба уюшмаси қўмиталари ҳам четда қолаётганлари йўқ.

Яқинда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ "Тошкент почтамити" филиали бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган тадбир ҳам корхонада меҳнат қилаётган ходимларнинг фарзандларини ижтимоий ҳимоя қилишга бағишланди. Пойтахтимизда фаолият юритиб, одамлар қалбига шодлик олиб кираётган Толибжон Содиқов номидаги Маданият уйи санъаткорлари ҳамда "Афродита" болалар рақс дастаси жажжи раққосалари хизмат кўрсатган, "Билимлар салтанатига қўйган қадамингиз кутлуғ бўлсин!" деб номланган мазкур тадбирда 82 нафар болажон ҳамда уларнинг ота-оналари иштирок этишди.

УШБУ СОНДА:

Миллий кутубхонага саёҳат	2
Улуғ тўйга тараддуд	3
ТВ-интернет канал	4
Годы развития и достижений	6
Асрий орзулар рўёби	8-9
Навоийни англаётган оила	16

Сўнги янгилик!

Калифорния университети олимлари профессионал фотокамераларга қараганда 200 минг марта юқори тезликка эга фототизим ишлаб чиқишди. У 6 миллион кадр/сония тезликда сурат олади.



Ишланма муаллифларининг қайд этишича, бу "суперкамера" одатий фотосуратларни олишга мўлжалланмаган, аммо бошқа йўналишлар, масалан, тиббиётда асқотиши мумкин. "Ихтиро жуда тез ва олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган жараёнлар: ўт олиши, портлаш ҳамда хужайраларо коммуникацияларни ўрганишда қўл келади" дейилади шу мавзуда Nature журналида берилган мақолада.

Jumadan Jumagacha

● Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 12 август куни Ўзбекистон-Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитасининг Энергетика соҳасида ҳамкорлик бўйича кичик қўмитаси навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Анжуманда Ўзбекистон билан Хитой ўртасида иқтисодий, нефть-газ, энергетика соҳасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболи, икки томонлама алоқаларини янада ривожлантириш, ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар атрофида муҳокама қилинди.

● Наманганда экологик экспертизани амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси, Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати Наманган вилояти ҳудудий бўлими ҳамкорлигида ташкил этилди.

● Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг "Воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонун ижроси ҳолати ва бу борада ички ишлар вазирлиги тизими ҳамда Сирдарё ва Хоразм вилоятларида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

● Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан жорий йилнинг 11-16 август кунлари мамлакатимизда "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида Саломатлик ҳафталиги ташкил этилди. Тошкент вилоятида ўтаётган чуқурлаштирилган тиббий кўриқларда вилоятдаги шифохоналар врачлари билан бирга Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларидан келган олим ва мутахассислар иштирок этмоқда.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги давлат бошқаруви академияси, "Маҳалла" фонди ва "Камолот" ЕИХ вакилларидан иборат Ўзбекистон делегацияси Хитой Халқ Республикасида бўлди. Тадбирлар чоғида Хитой томони Ўзбекистон Республикасида ижтимоий йўналтирилган иқтисодий асосидаги кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат куриш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришлар билан батафсил танишди.



Миллий кутубхонага саёҳат

Пойтахтимизда Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб "Истиқлол фарзандлари" анъанавий ёшлар фестивали ўтказилмоқда.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари билан ҳамкорликда ташкил этилган фестивалда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан Зулфия номидаги Давлат мукофоти, "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишонни соҳиблари, халқаро олимпиадалар, турли спорт мусобақалари, танловлар ғолиблари, фаол ёшлар иштирок этишмоқда.

Фестивал доирасида иштирокчилар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Симпозиумлар саройини ўз ичига

олган Маърифат марказига саёҳат уюштиришди. Миллий мезморчилик ва замонавий архитектура услубларини мужассам этган мазкур мажмуа Ватанимизнинг бош майдонига туташ ҳудудда Ёшлар ижод саройи, Тасвирий санъат галереяси, Пойтахт бизнес маркази каби маҳобатли иншоотлар билан яхлит композиция ҳосил қилган.

— Симпозиумлар саройининг кўرқу салобати, бетакрор безаклари бизни лол қолдирди, — дейди "Жасорат" медали соҳиби, сирдарёлик Ойбек Исмоилов. — Замонавий ахборот-коммуникация технология-

лари билан жиҳозланган Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш учун улкан имкониятлар яратилганининг ёрқин намунасидир. Бу ерда Германия, АҚШ, Хитой, Япония, Буюк Британия, Швейцария, Россия каби ўндан ортиқ давлатдаги нуфузли кутубхоналар билан ҳамкорлик ўрнатилган. Китобхоналар учун EBSCO Publishing, Oxford University, JSTOR, Aluka, Emerald Springer, Cambridge Journals Online каби халқаро илмий-тадқиқот манбаларидан бепул фойдаланиш имкони яратилган.

◀ 1-бет Дунё шодлигинга тўлсин, болажон!

Тадбирни очар экан, филиал касаба уюшмаси қўмитаси раиси Тамара Муҳаммаджонова йиғилганларни тобора яқинлашиб келаётган кутлуғ айём — Республикаимиз Мустақиллигининг 23 йиллиги билан табриклади ҳамда корхонада Соғлом бола йили муносабати билан амалга оширилаётган ишларга қисқача тўхтади. Сунгра болажонларга байрам совғаси — ўқув куроллари билан тўлдирилган мактаб сумкаларини топширди. Болажонлар тадбир давомида шўх мусиқа садолари остида мириқиб рақс тушишди, шеърлар айтишди.

— Бундай тадбирлар бизнинг янада кўпроқ куч-ғайрат билан ишлашимизга сабаб бўлади, — дейди Ҳамза туманидаги 207-алоқа бўлими почтачиси Маҳфуза Абдуразоқова. — Ҳар қандай ота-она учун боласининг хурсандчилигидан, юзидаги табассумдан ортиқ бахт йўқ. Қуриб турганингиздек, бугун болажонларимиз шодлиги дунёни тўлдирди. Бу эса уларнинг илк бор қадам қўядиган улғу даргоҳи — мактабга ҳам аъло кайфият билан боришларига сабаб бўлади.

Муборак МИРКАМолова

Истиқлол солномаси

2000 йил

1999 йил

5 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Маълумотлар узатиш миллий тармоғини ташкил этиш ва жаҳон ахборот тармоқларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Шу йилнинг 20 августида Ўзбекистон Республикасининг "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди.

Октябр ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Вақтли матбуотни тарқатиш корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига асосан "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси ташкил этилди.

Шу йилнинг 13 апрелида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Даврий матбуотни тарқатувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

28 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Телекоммуникациялар соҳасида бошқаруви такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони эълон қилинди.

31 августда Ўзбекистон Республикасининг "Почта алоқаси тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди.

УЛУФ

Тўйга тараддуд



Тинчлик бор жойда роҳат-фароғат бор, тўй-тантаналар қўйилга сиғади. Шунинг учун ҳам ҳар йили юртимиз мустақилликка эришган кун республикамизнинг ҳар бир тўйида — шаҳар ва кентлардан тортиб, олис овуқларгача катта тантана қилинади. Бутун дунё мамлакатларидан келган азиз меҳмонлар бизга ҳавас қилади. Бу йилги ютуқларимиз, орзу-ниятларимиз, шодликларимиз бетакрор озод Ўзбекистонимизнинг 23 йиллик тўйига бағишланади.

Президентимиз томонидан яқинда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарор қалбаларни янаям тўлқинлантириб юборди. "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шiori биз айтмоқчи бўлган, юрагимиздан чиққан сўзлар.

Навоийда ҳам тўйга тўёнлар катта. Навоийликлар барханлар бағрида бунёд этилган марварид гўшани гулзорга, боғу бўстонга айлантириш, қолаверса, жонажон Ўзбекистонимиз раванқига муносиб ҳисса қўшиш учун ўзларининг бор билими, салоҳияти, тажрибасини ишга солиб, тинмай меҳнат қилмоқда ва бу меҳнатдан бахт ва шараф топмоқда.

Дўстлик орденли Навоий кон-металлургия комбинати, "Қизилқумпеммент" очиқ акциядорлик жамияти, "Навоийазот" очиқ акциядорлик жамияти ҳамда қатор ишлаб чиқариш корхоналарининг довуғи бугун хоржий мамлакатларга ҳам кетганлиги меҳнат фахри, меҳнат ифтихори туйфаили, албатта.

Ана шундай улкан корхоналар қаторида аҳолига почта алоқаси хизмати кўрсатаётган, ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий, ҳам маънавий-маърифий соҳадаги ислохотлар ижросини таъминлашга хизмат қилаётган "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиали жамоаси ҳам бор.

Филиалда ҳар йили истиқлол байрамига тайёргарлик кўриш энг аввало мустақилликнинг моҳиятини, унинг ҳаётимиз, бутунимиз ва келажгимиз учун қандай муҳим аҳамиятга эга эканлигини англашдан, истиқлол берган имкониятларни бирма-бир эътироф этишдан бошланади. Мустақиллик ўз-ўзидан келмаганлиги, у улуг бир неъмат эканлиги филиалда ўтказилган навбатдаги давра учрашувда яна бир қарра тилга олинди.

Филиал директори Бахтиёр Ҳошимов бошқарган учрашувда директор ўринбосарлари, бўлим, гуруҳ, участка бошлиқлари, мутахассислар, тармок

бошлиқлари, бошлиқ ўринбосарлари иштирок этди.

Тадбир меҳмони — Навоий Давлат педагогика институтининг тарих факультети катта ўқитувчиси Ойбек Абдуминов ўзининг Истиклол сабоқлари дарсини шундай бошлади:

— Маълумки, биз бугун халқимизнинг бой тажрибасидан келиб чиқиб, демократик давлат қуриш йўлида буюк натижалар қўлга киритилаётган бир замонда яшаймиз.

Мустақилликка осонликча эришганимиз йўқ. У шундайгина бизга инъом этилмаган ҳам. 1991 йилнинг 31 августигача бўлган даврни бир кўз олдимишга келтирайлик. 1989-1991 йиллар, айтиш мумкинки, бир неча минг йиллик тарихимизда миллий тикланиш, миллий уйғониш ва миллий тараққиёт даврининг муқаддимаси бўлган. Бу воқеаларни бугун, орадан бирмунча вақт ўтгач, хотиржам айтиш осон, лекин суронли йиллар силсиласида ўтган кунларни солиштирсак, бугун ҳаёт кечираётган халқимизнинг кўпчилиги нақадар улкан тарихий воқеаларга сувоҳ бўлганини ҳис этамиз.

Ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва асрлар мобайнида таркиб топган бой анъаналари, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашдек олий мақсадларни ўзида ифода этган орзу-истаклар, иқтисодий ва сиёсий ҳаётига доир масалаларни мустақил тарзда ҳал қилиш имкониятини қўлга киритишга етаклади. 1990 йил 24 мартда бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессиясида бошқарув тизимини тубдан ислоҳ қилиш, Президентлик лавозимини ташкил этишга қарор қабул қилинди.

Собиқ иттифоқ таркибида туриб ҳеч қандай миллий раванқ, маънавий тараққиёт ҳусусида гапириб бўлмас эди. Тарих ҳақиқатини тиклаш, асрлар мобайнида шакланган анъаналар ва урф-одатларимиз, кадрларимизни жой-жойига қўйиш учун энг аввало сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан мустақиллик керак эди. Шунинг учун ҳам Президентлик тизими жорий этилганидан кейин кўп ўтмай "Мустақиллик декларацияси" эълон қилинди.

Мустақиллик Декларацияси озодликнинг пойдевори бўлиб хизмат қилди.

Мана йигирма уч йилдирки, Ўзбекистон ўз эрки ва истиқлоли нашидасини сурмоқда. Шунинг унутмаслигимиз зарурки, истиқлолимиз бизнинг гуруримиз, шон-шавкатимиз, номусимиздир. Уни асраш эса ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Маруса ҲОСИЛОВА,
"Xabar"нинг
Навоий вилоятидаги мухбири



Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

МУСТАҚИЛЛИК — ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ!

Ҳар гал фарзандларимни олиб, пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонига келганимда қалбим фахру ғурурга тўлиб кетади. Айтиш мумкинки, истиқлол йилларида Тошкент шаҳри гуллаб яшиади, ўзгача чирой очди. Янгитдан барпо этилган муаззам кўчалар, муҳташам бинолар, ям-яшил истироҳат боғлари ва хиёбонлар, фавворалар шаҳар кўрқига кўрқ бўлиб қўшилди.

Ўтган даврда, айниқса, пойтахтимизнинг Мустақиллик майдони ва унга туташ ҳудудларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишлари таҳсинга лойиқ. Ушбу майдонда дастлаб 1991 йили Мустақиллик монументи барпо этилган эди. Бу монумент халқимизнинг ҳурлик ва эркинликка эришганининг рамзи сифатида мамлакатимиз бош майдонидан мустақкам ўрин олди. Шунингдек, бу ерда Хотира хиёбони ташкил қилинди.

Вазирлар Маҳкамаси биноси ҳам кўзни қувонтирадиган даражада тубдан қайта таъмирланди. Шундоққина Мустақиллик монументи ёнида эса Олий Мажлис Сенати биноси қад ростлади. Майдонга кираверишда Эзгулик аркаси очилди. Арканнинг рўпарасида Тасвирий санъат галереяси, Ёшлар ижод саройи бунёд этилди.

Мустақиллик ҳайкали олдида Бахтиёр она сиймосини мужассам этган янги монумент ўрнатилиши майдонга янада ўзгача қиёфа бағишлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мустақиллик ва эзгулик монументи тўғрисида"ги қарорига кўра, Мустақиллик ҳайкали ва Бахтиёр она сиймосини мужассам этган янги монументта Мустақиллик ва эзгулик монументи деб ном берилди. Ҳозирда умумхалқ байрамлари, давлат миқёсидаги барча тантаналар ушбу монумент пойига гулчамбарлар қўйиш билан бошланади. Янги ҳаёт қуришга аҳд қилган ёшлар — келин-куёвлар ҳам монумент пойига гулдасталар қўйиш билан оила деган улуг қўрғон сари қадам ташламоқдалар.

Тинчлик ва Эзгулик, Бахту Иқбол, Келажак рамзи бўлган Мустақиллик майдонига ташриф бузган кишининг қалби Эзгулик аркасидаги парвозга шайланаётган оқ лайлакларни кўриб, меҳр ила боласига термулиб турган Бахтиёр онага боқиб, шак-шубҳасиз Эзгуликка тўлади. Халқимизнинг асрий орзуси ушалиши акс этган бу қадамжо пойтахтликлар, меҳмонлар билан доймо гавжум. Айниқса, хорижлик юқори мартабали меҳмонларнинг Бахтиёр она пойига гулчамбарлар қўйиб, таъзим бажо айлаши кишини беҳад тўлқинлантириб юборади.

Фарзандларимга шулар ҳақида тўлқинланиб сўзлаб бераман. Улар ҳам юртимиз тарихини пухта ўрганишга, мустақиллик ўз-ўзидан келмаганига, унга эришиш йўлида халқимиз машаққатли йўлни босиб ўтганини чуқур англаб, бу олий неъматни асраб авайлашларига чин дилдан ишонаман.

Шахло КҮЧИМОВА,
Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек тумани
1-давлат нотариал идораси нотариуси

Ўқимат

ВАТАН ТАРКИН БИР НАФАС АЙЛАМА,
ЯНА РАНЖИ ҒУРБАТ ҲАВАС АЙЛАМА.

Алишер НАВОИЙ

Xalqaro hayot



■ Эрдуғон — Туркиянинг янги президенти. Мамлакат тарихида ilk мартаба тўғридан-тўғри ўтказилган президентлик сайловига 40 млн. афроида овоз берувчи келган.

"Адолат ва тараққиёт" партияси номзоди ва Туркиянинг амалдаги бош вазири Ражаб Тойиб Эрдуғонга сайловчиларнинг 52 фоизи ишонч билдирди ва у сайловларнинг биринчи босқичидаёқ голиб бўлди.

■ Хитой жануби-ғарбида 3 август, яқшанба куни юз берган магнитудаси 6,5га тенг zilzila қурбонлари сони, сўнгги маълумотларга кўра, 600 кишига яқинлашган.

Ҳалок бўлганларнинг аксарияти zilzila эпицентрида жойлашган Людян округи аҳолиси эди. Ҳалокат ҳудудидан 240 мингдан ортиқ одам кўчирилган.

■ Эрон пойтахтида 10 август куни "Ан-140" йўловчи самолёти учин вақтида ҳалокатга учради. Авиафожедада 39 инсон ҳалок бўлган. Омон қолган 9 киши шифохонага етказилган.

ОАВ хабарларига кўра, самолёт бортида 8 нафар экипаж аъзоси ва 40 нафар йўловчи бўлган. Ҳалокат самолёт двигателининг ишдан чиқishi оқибатида содир бўлган, деган тахминлар мавжуд.

■ Бразилияда мамлакат президентлигига номзод Эдуардо Кампос авиаҳалокатга учраб ҳалок бўлди. Шу боис мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилинди.

49 ёшли номзод парвоз қилаётган кичик самолётда бўлганларнинг барчаси — тўрт нафар йўловчи, икки учувчи ҳам тирик қолмаган.

Машғум ҳодиса ноқулай об-ҳаво сабаб юз берганлиги эҳтимолда тутиляпти.

■ Associated Press агентлиги хабар тарқатишича, Аш тоғларининг Мовблан чўққисини забт этиш учун отланган беш нафар алпинист ҳалок бўлган, яна бири бедарак йўқолган. Бу ҳодиса улар Аржанте чўққисини забт этаётган чоғда, 3900 метр баландликда юз берган, дея баёот берган Сер-Жерве шахри мэри Жан-Марк Пейле.

■ Британияда биринчи клон-ит пайдо бўлди. Лондон шаҳрида яшовчи Ребекка Смитга қарашли такса зотли 12 яшар итнинг тери ҳужайрасидан олинган генетик нусха асосида клон яратиш ишлари Жанубий Кореядаги лабораториялардан бирида олиб борилган.


Итнинг клонини дунёга келтиришга 90 минг доллар сарфланган, ammo Ребекка Смит бир цент ҳам чиқим қилган эмас — у бу имкониятни тегишли танловда ютиб олган эди.

■ Марям Мирзахони Филдс мукофотида лойиқ топишган биринчи аёл киши бўлди. Мирзахони асли эронлик бўлиб, 37 ёшда, Стэнфорд университетининг математика профессори ҳисобланади. У "риман юзалари динамикаси ва геометрияси, шунингдек, фазвий модуллар" тараққиётига қўшган ҳиссаси учун тақдирланган.

Филдс — математиклар учун ўзига хос "Нобел" мукофоти бўлиб, ҳар тўрт йилда 40 ёшга тўлмаган олимларга тошпирилади.

■ Ер шари аҳолиси 10 август кечаси "Супер Ой" ҳодисаси гувоҳи бўлди. Айниқса, шарқий яримшарнинг шимолий ҳудудларида яшовчилар учун бу ҳодиса яхшироқ сезилган.

NASA маълумотларига кўра, бу кеча Ернинг сунъий йўлдоши олатдагидан 14 фоиз каттароқ ва 30 фоиз ёрқинроқ кўринган. Кейинги "Супер Ой" ҳодисаси 9 сентябр кечаси кузатилиши кутиляпти.



FASTER: АМЕРИКА-ОСИЁ

Google компанияси АҚШ ва Японияни юқори тезликдаги маълумот узатиш тармоғи билан боғламоқчи. FASTER лойиҳаси доирасида 2016 йилнинг иккинчи чорағига қадар Тинч океани тубидан 60 Тб/с. тезликни таъминловчи 10 минг километр узунликдаги оптик

толали кабел ётқизилади.

FASTER АҚШнинг ғарбий соҳил ҳудудлари (Лос-Анжелес, Портленд, Сиэтл ва Сан-Франциско)ни Япониянинг Чикуро ва Шима провинциялари билан улайди ва кейинчалик Транс-Осиё тармоқларига боғланади. Google лойиҳага 300

млн. доллар ажратган, ускуналар эса Япониянинг NEC концерни томонидан етказилади. Тармоқ China Telecom International, China Telecom Global, Global Transit, KDDI, SingTel каби операторлар билан ҳамкорликда бошқарилиши режалаштирилган.



РАНГЛАР ЖИЛОСИ

Маълумки, замонавий рақамли суюқ-кристалли экранларнинг ишлаш тамойили бир қанча филтрлар орқали оқ ёруғликни ўтказишга асосланган. Сифатли тасвирни таъминлаш учун филтрлар зичлиги юқори бўлиши керак, бу эса энергия сарфининг ошишига олиб келади. Яна бир муаммо шундаки, бу усул "тоза ранг" олиш имконини бермайди — яшили қизилга, кўки яшилга чаплиниб кетавереди.

3М компанияси вакили Эрик Нелсон Сан-Францискода ташкиллаштирилган кўргазмада тақдим этган QDEF технологияси квант нуқталарига асосланган бўлиб, айна юқоридagi муаммонинг ечими сифатида кўриляпти. Бунда ўта ўтказувчан кристаллардан фойдаланилиб, филтрлар ишлатилмайди, кристалларнинг ўлчамларига қараб тўлқин (ранг) узунликлари ҳар хил бўлади. Энергия сарфи ҳам кам.

3М QDEF LCD-дисплейларида оқ ўрнига кўк ёруғлик қўлланилган, ундаги пластик плёнка кўк рангни қизил ва яшилга айлантириб бериш учун квант нуқталарига эга. Бу рангларнинг умумлашмасидан кўзга кўринадиган барча ранглар ҳосил бўлади.

КОМПЮТЕР ГРАФИКАСИ ЎСМОҚДА

Jon Peddie Research компанияси таҳлилларига кўра, жаҳон компьютер графикаси ишланмалари саноатида 2014 йил якуни буйича 121 млрд. долларлик савдо амалга ошири кутиляпти. Бу бир йил олдингидан 11 миллиардга кўпдир.

Асосий кўрсаткичлар қурилмалар савдоси (мониторлар, ишчи станциялар, ўйин консоллари, ўйинларга мўлжалланган компьютерлар)да кузатилади — 106,1 млрд. доллар.

Компьютер графикаси буйича дастурий таъминотчилар эса бу йил 14,93 млрд. доллар ишлаб олишлари мумкин.



ТВ-ИНТЕРНЕТ КАНАЛ

Етакчи ахборот технологиялари компаниялари, жумладан, Google, Microsoft ва Facebook симли ва 3G-мобил тармоқлар етиб бормаган ҳудудларни кенг полосули улаши билан таъминлаш мақсадида Wi-FAR технологиясини қўллашга киришди. Масалан, АҚШда юқори тезликдаги интернетта улашиш имкониятига эга бўлмаганлар сони 28 миллион кишини, дунё бўйича эса 5 миллиард кишини ташкил этади.



Бевосита Wi-FAR технологиясига тўхталдиган бўлсак, унда симсиз интернет улашиши амалга ошириш учун ТВ-узатишда қўлланилмаётган бўш частоталардан фойдаланилади. Бу технология воситасида қишлоқлар ва чекка ҳудудларда 10дан 30 километргача масофада кенг полосули маълумот узатиши таъминласа бўлади. Назарий жиҳатдан бу тармоқнинг ўтказувчанлиги битта ТВ-каналга 22 Мб/сонияни ташкил этиб, 512та қурилма бир пайтда улашиб ишлаши мумкин, шунда ҳар бир фойдаланувчи 1,5 Мб/сония тезликка эга бўлади.

Еттидан етмишгача

◀ 1-бет

Стол тенниси кўчма кубоги биринчи эгасини топди

Стол тенниси ёки пинг-понг, биламизки, дунё бўйича энг оммалашган, ёш танламайдиган спорт турлари сирасига кирди. Нима бўлганда ҳам, стол тенниси, худди шахмат, шашка, мини футбол, волейбол сингари халқона ҳамён-боп, томошабоплиги, хуллас, ҳам жисмонан, ҳам руҳан қувватлантирувчи эканлиги айна ҳақиқат.

Кувонарлиси, мамлакатимизда ҳам спортнинг бу тури кенг тарқаб, хонадонларда, хибонларда, корхона-ташкilotларда бўш вақтини стол тенниси ўйнаб ўтказётганлар кўпайиб борапти. Бундан алоқа соҳаси ходимлари ҳам мустасно эмас, кўп йиллардирки, корхона ва ташкilotларда бошқа спорт турлари қаторида, стол теннисини ҳам омалаштириш, ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш сингари эзгу мақсадларга қаратилган чора-тадбирлар амалга ошириб келинапти.

Алоқачилар ўртасида стол тенниси мусобақаси республика босқичининг очилиш маросими терма жамоаларнинг тантанали чиқиб келиши билан бошланди. Стол тенниси федерациясидан таклиф этилган ёш теннисчиларнинг кўргазмали чиқишлари эса мусобақа олдидан иштирокчиларни янада руҳлантирди.

Мусобақаларга қайтадиган бўлсак, республика босқичида Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидан 60 нафар иштирокчи 15 жамоа таркибиде иштирок этди.

Умуман олганда, стол тенниси мусобақалари уч босқичда, худдларда ва Тошкент шаҳрида жойлашган корхона, ташкilot ва муассасаларда фаолият юритаётган раҳбарлар, ишчи-ходимлар ўртасида 2та гуруҳда 35 ёшгача ва 35 ёшдан катталар ўртасида яқкалик тартибда ўтказилди.

Хусусан, мусобақанинг биринчи босқичи "Ўзбектелеком" АК, "Матбуот тарқатувчи" АК, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ филиалларининг туман, шаҳар таркибий бўлинмаларида жорий йилнинг июн ойи давомида, иккинчи саралаш мусобақа-



лари ҳар бир филиал ва қолган алоқа корхона, ташкilot ходимлари ўртасида июл ойининг биринчи декадасида, 3-босқич худуд марказларида филиалларнинг иккинчи босқич голиблари ҳамда худуддаги бошқа алоқа корхона, ташкilotлар голиблари ўртасида июл ойининг иккинчи ўн кунлигида ташкил этилди. Стол тенниси беллашувларида 4 минг нафардан зиёд ходимлар иштирок этдилар.

Тошкент шаҳридаги алоқа корхона, ташкilot ва муассасалар ходимлари ўртасидаги мусобақанинг саралаш ўйинлари 2 август куни ўтказилиб, 84 нафар иштирокчидан энг юқори натижаларни кўрсатганлардан иборат 2та терма жамоа республика босқичи мусобақасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.



Суратларда: мусобақалардан лавҳалар

ТАТУ спорт мажмуасига йиғилганлар шу куни қизиқарли беллашувлар гувоҳи бўлишди. Мусобақалар бир пайтнинг ўзида 8та столда ўтказилди. Ўйинларни Ўзбекистон стол тенниси федерациясидан таклиф этилган ҳакамлар кузатиб, баҳолаб боришди.

Яқунда тажриба ўз сўзини айтди — пойтахтлик ҳаваскорлар бу спорда бошқа ҳамкасбларидан маҳоратлироқ эканликларини намоён этишди. Натижа ҳам шунга яраша — биринчи ва иккинчи ўринлар Тошкент-1 ва Тошкент-2 жамоаларига насиб этди. Хоразм вилояти вакиллари эса бронза медал билан тақдирланишди.

1-ўрин. Тошкент-1 жамоаси (Шаҳноза Комилова, Оксана Веденева, Шаҳзод Мағдиев, Рамил Якубов)

2-ўрин. Тошкент-2 жамоаси (Шоҳида Одилова, Оксана Шестокрилова, Жамшид Нодиров, Олим Фахруров)
3-ўрин. Хоразм жамоаси (Шерпажон Машарипова, Дилафрўз Ҳайитбоева, Йўлдош Қаландаров, Бекзод Уразалиев).

Голиб ва совриндорларга, фахрий спортчиларга Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси республика кенгашининг диплом, медал ва эсдалик совғалари топширилди. Пойтахтнинг биринчи жамоаси Кўчма кубокка эга бўлди.

Тантанали тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси ўринбосари А.Файзуллаев, Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси республика кенгаши раиси А.Ишанходжаев ва бошқалар қатнашиб, сўзга чиқишди.

Мусобақа иштирокчилари учун 9 август куни кечки Тошкент ва бунёд этилган қатор иншоотлар билан таништириш мақсадида экскурсия ташкил этилди.

Собит АҲАДОВ,
"Xabar" мухбири

"ИННОВАЦИЯ"

акциясининг биринчи голиблари аниқланди

Beeline компанияси "Инновация" акциясининг биринчи голибларини аниқлади. 8 август куни "Yoshlar" телеканалининг тўғридан-тўғри эфирида "Замонавий уй" тизимли хонадон ва йирик пул совринларининг биринчи ўйини бўлиб ўтди.

"Инновация" акциясининг биринчи хонадони ўйналди ва биз голибларни танлаш жараёни очик-ойдинлигидан, айниқса, гурурланамиз, —

дея воқеани шарҳлайди Unitelнинг тижорат директори Максим Ефремов. — Ўйламанки, Beeline абонентларининг ишончини қозондик ва уни мустаҳкамладик, шунингдек, ушбу ноёб лойиҳада келгусида иштирок этишга рағбатлантирдик.

"Yoshlar" студиясидан тўғридан-тўғри ула ниш соат 20.20да Beeline вакиллари ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раёно Шоди-

ева иштирокида амалга оширилди. "Замонавий уй" тизимли биринчи хонадон бир ҳафта давомида душанбадан якшанбагача алоқа хизматларига \$2,5 дан зиёд маблағ сарфлаган барча абонентлар ўртасида ўйналди. Status туркумидаги тариф режалар абонентлари "Инновация" акциясида автоматик иштирок этдилар.

Тошкент вилоятидан Бехзод Ҳасанов (XX) Х91 5867 акциянинг илк хонадони эгасига айланди. 1 ва 2 миллионлик йирик пул маблағларини 25 нафар абонент қўлга киритдилар.

Эслатиб ўтамыз, "Инновация" акцияси 2014 йилнинг 30 июнидан 27 декабрга қадар ўтказилади.

Стол тенниси беллашувларида 4 минг нафардан зиёд ходимлар иштирок этдилар.

ЛЮБЛЮ ТЕБЯ, ТЫ ДОРОГ МНЕ,
РОДНОЙ МОЙ УЗБЕКИСТАН!

ГОДЫ РАЗВИТИЯ И ДОСТИЖЕНИЙ

Через несколько недель народ нашей страны с радостью отмечает великий праздник – день независимости Республики Узбекистан. В течение 23 лет мы добились многих успехов, в том числе и в сфере связи и информатизации.

ООО "Aloqinvest" одно из организаций, которое создано в годы независимости. Оно создано на базе акционерного общества "Aloqinvest". Основные объемы проектов ТАЕ ВОЛС, ODCF, JBIC по строительству оптической магистральной сети АК "Узбектелеком" выполнено подразделениями ОАО "Aloqinvest".

ООО "Aloqinvest" гарантирует выполнение работ по прокладке и монтажу волоконно-оптических кабелей по всей территории Республики Узбекистан.

В настоящее время в структуре ООО "Aloqinvest" в регионах республики имеются пять ПМК (Ташкент, Джизак, Самарканд, Ургенч, Андижан). В названных структурных подразделениях имеется комплекс необходимых стрелочных машин и механизмов, обеспечивающих качество и своевременность выполняемых строительно-монтажных и ремонтных работ.

Общество располагает высококвалифицированными кадрами специалистов различного профиля и опытными руководителями производства, участвовавшим в строительстве международных и республиканских телекоммуникаций и других объектов государственного значения.

ООО "Aloqinvest" имеет лицензии на проектирование и строительство местных, междугородных сетей телекоммуникаций, подвижных радиосетей, а также по строительству и эксплуатации объектов риска и потенциально опасных производств строительно-монтажные и пусконаладочные работы на электроустановках напряжением до 500 кВ. и включительно.

В настоящее время штат сотрудников предприятия доукомплектован высококвалифицированными специалистами и позволяет осуществлять в дополнение к вышеперечисленным работы по проектированию и монтажу сооружений связи, включая антенно-мачтовые сооружения, базовое технологическое оборудование, сети внешнего и внутреннего электроснабжения, оборудование климатотехники, автозалы и серверные комнаты.

Специалисты предприятия сертифицированы для проведения монтажа оборудования компаниями "Daewoo", "Huawei", "Stratex" и "Nokia" и они имеют большой опыт строительства инфраструктуры сетей нового поколения (NGN) и транспортных сетей передачи данных на базе технологий SDN и IP.

За период с 2011 по 2014 год сотрудниками компании был выполнен следующий объем работ по договорам с операторами связи РУз:

- Строительство ВОЛС Бойсун-Денау, участок 80 км;
- Строительство ВОЛС Денау-Узун-граница с Таджикистаном — 54 км;
- Строительство ВОЛС Гузар-Бойсун, участок 86 км.
- Строительство ВОЛС АТС Гузар — ПСЖТ на базе Шуртанского ГХК-АТС Нуристан — 76 км;
- Строительство ВОЛС АТС Гузар до колледжей информационных технологий и медицинский — 36 км;
- Прокладка ВОЛС к таможенным постам г.Термез — 45 км;
- Монтаж сети СКС зданий ЦЭМС и Мирабадского филиала "Алокабанк";
- Строительство водопроводной и канализационной сети СТРК-1 ЦЭМС по ул. Фаргона йули 15 и т.д.

В настоящее время ведутся работы по проектированию и строительству оптического кольца сотового оператора "Билайн" по г.Ташкенту, ВОЛС Алмалык-Гулистан ООО "Ист Телеком" и монтаж сети СКС Центра мониторинга в АТС-277.

Набиходжа ГАНИЕВ,
генеральный директор ООО "Aloqinvest"

Согласования по инвестициям

перейдут в электронный формат

С 1 октября 2014 года согласование инвестиционных предложений и паспортов проектов будет осуществляться в электронной форме через систему "Единая электронная база инвестиционных предложений".

Постановлением Кабинета Министров от 4 августа 2014 года определено, что с 1 октября 2014 года согласование инициаторами в уполномоченных органах государственного управления инвестиционных предложений и паспортов проектов будет осуществляться в электронной форме через систему "Единая электронная база инвестиционных предложений" Министерства внешних экономических связей, инвестиций и торговли Узбекистана. Решение принято в целях повышения эффективности и оперативности процесса привлечения иностранных инвестиций и кредитов путем внедрения совре-

менных информационно-коммуникационных технологий, сообщает Norma.uz.

Персональную ответственность за качество заполнения и соответствие требованиям Постановления Президента от 24 июля 2008 года ПП-927 несут министерства и ведомств, органы государственного и хозяйственного управления, органы государственной власти на местах, хозяйствующие субъекты — инициаторы проектов.

Министерству внешних экономических связей, инвестиций и торговли совместно с Министерством экономики и Министерством финансов поручено утвердить Положение о порядке внесения и согласования инвестиционных предложений и паспортов перспективных проектов в системе "Единая электронная база инвестиционных проектов (ЕЭБИП)".


Калькулятор ОСГО для ОС Android

Специалистами АО ГАСК "Кафолат" разработано мобильное приложение для расчета страховой премии по обязательному страхованию гражданской ответственности владельцев транспортных средств. Мобильное приложение функционирует на популярной платформе ОС Android.

Создана новая мобильная версия калькулятора, который позволяет пользователю самостоятельно рассчитать стоимость страховки ОСГО, исходя из персональных данных, типа транспортного средства, региона регистрации, срока использования и других параметров. Расчет производится в соответствии с утвержденными законодательством Правилами ОСГО.

Приложение может быть полезным как для страховых агентов, занятых реализацией полисов ОСГО, так и для потребителей данной услуги в целях самостоятельного расчета стоимости страховки и проверки корректности расчета уже приобретенного страхового полиса, выданного любой страховой компанией Республики Узбекистан.

Мобильное приложение "Калькулятор ОСГО" является бесплатным и доступно для скачивания по адресу: <http://kafolat.uz/upload/files/OSGOVTS.apk>



Абитуриенты могут узнать свой результат через CLICK

Благодаря достигнутому сотрудничеству с Государственным тестовым центром (www.dtm.uz) в системе CLICK реализована возможность, позволяющая всем абитуриентам и их близким получить через SMS результаты вступительных экзаменов, сданных в этом году.

Для получения результата необходимо войти в раздел "DTM 2014", открытым в USSD-меню (*880#). После необходимо указать уникальный номер абитуриента. Результаты тестов будут высланы по SMS автоматически после получения таковых от Государственного тестового центра (www.dtm.uz).

Стоимость запроса 1500 сум.

Госкомстат изучит вопрос использования альтернативной энергии

Госкомстат Узбекистана с 20 августа по 30 августа проведет выборочный опрос граждан, проживающих в индивидуальных и многоквартирных жилых домах. Целью этого обследования станет сбор дополнительной информации о развитии альтернативных источников энергии и повышении эффективности потребления энергии.

Выборочное обследование будет проводиться на всей территории республики. Общее количество обследуемых домов составит 901, в том числе в городской местности — 318, в сельской — 583, отметили в пресс-службе Госкомстата.

Будет осуществляться сбор данных об объемах произведенной энергии с использованием дизельных генераторных установок, солнечных батарей, солнечных коллекторных, биогазовых установок, применении стационарных систем отопления, не подключенных в общую систему, а также об использовании котельными угля и угольного брикета для обеспечения домов отоплением и горячим водоснабжением.



Е-СПОРТ: Ўзбекистон чемпионатига СТАРТ БЕРИЛДИ

Жорий йилнинг 12 август куни пойтахтимиздаги "Pedeman - Silk Road" меҳмонхонасида е-спорт бўйича Ўзбекистон чемпионати очилишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.



Мусобақалар ташкилотчиларининг маълум қилишича, навбатдаги Ўзбекистон чемпионати (Zo`r-Zo`r 2014 UCG) саралаш bosқичи 2014 йилнинг 16 августида Бухоро шаҳрида старт олади. Ушбу чемпионат Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ва Beeline компаниясининг қўллаб-қувватлаши остида ўтказиб келинмоқда.

"Бу йил Ўзбекистон терма жамоаси FIFA 15 — виртуал футбол бўйича Парижда ўтказиладиган ESWC 2014 жаҳон кубогига илк мартаба қатнашади, — деди чемпионат ташкилий қўмитаси раҳбари Александр Сучков. — Ўтган йиллардагидек, чемпионат мамлакатимизнинг тўртта шаҳридаги саралашлардан бошланади, миллий финал ICTExpo 2014 анъанавий ахборот технологиялари хал-

қаро кўргазмасининг асосий саҳнасида ўтказилади".

Zo`r-Zo`r 2014 UCG чемпионати расмий ўйинлари:

■ FIFA 2014 — футбол спорти симулятори, қатнашувчилар сони бир кишини ташкил этади.

■ Dota AllStar 5x5 жамоали ўйин.

Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент шаҳарларидаги минтақавий саралаш турнирлари 16 августдан 15 сентябрга қадар бўлиб ўтади:

■ Бухорода — 16-17 август кунлари

■ Самарқандда — 23-24 август кунлари

■ Фарғонада — 6-7 сентябр кунлари

■ Тошкентда — 14-15 сентябр кунлари.

Финал bosқичи 26 сентябр куни, АКТ Ҳафталиги доирасида, ICTExpo 2014 кўргазмасида ўтка-



зилади, голиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими 27 сентябрга белгиланган.

Айтиш жоизки, компютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионати қарийб 10 йилдан бери ўтказиб келинаётир. Ўтган йиллар давомида мамлакатимиз шаънини ҳимоя қилган е-спортчилар АҚШ, Сингапур, Италия, Германия, Хитой каби мамлакатларда ташкиллаштирилган жаҳон чемпионатларида муносиб қатнашиб, шарафли ўринларни қўлга киритишган.

Жумладан, 2007 йили Макао ва 2009 йили Вьетнамдаги ёпиқ ишотларда ўтказилган Осиё ўйинларида е-спортчиларимиз кумуш медалларга сазовор бўлишган. 2013 йили Жанубий Корея мезбонлик қилган AIMAG 2013 IV Осиё ўйинларида эса Ўзбекистон терма жамоаси олтин ва кумуш медалларга эга бўлиб, умумий ҳисобда иккинчи ўринга лойиқ топилган эди.

Ўзбекистон чемпионати якунларига кўра, FIFA 2014 турнири голиби Францияга йўл олиб, ESWC 2014 жаҳон кубоги финалида иштирок этади.

Шоҳруҳ САИДОВ

Таҳлил

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиалида долзарб масалаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари билан ўтказилган йиғилишда почта алоқаси тармоқларининг бошлиқлари, иқтисодчилар қатнашди.

Йиғилишни филиал директори вазифасини бажарувчи Ориф Маҳмудов кириш сўзи билан очиб, Мустақиллик байрамига кўрилатган тайёргарлик ишлари, алоқа бўлимларини байрамона безаш, ташкил этилган навбатчилик, фуқаролар ҳамда ташкилотларга почта алоқаси хизматлари сифатини яхшилаш борасидаги таклифлар юзасидан фикр билдирди.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари ҳозирги кунда сайёрамизнинг айрим ҳудудларида бўлаётган ноҳуш ҳолатлар тўғрисида сўз юритишди, шунингдек, филиал ва унинг тармоқларида почта хавфсизлигини таъминлаш, оғоҳликни ошириш каби масалаларга тўхталишди.

Тадбирда "Зиё студияси" томонидан тайёрланган "Залотатни юклар олма" фильми йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

Йиғилишда, жорий йилнинг иккинчи ярмида филиалда амалга оширилган ишлар ҳам таҳлил қилинди. Фузор, Муелон, Яқкабоғ, Шаҳрисабз почта алоқаси тармоқларида иқтисодий ўсиш, хизмат кўрсатиш сезиларли ошган бўлса, Қамаш, Чироқчи, Косон, Бешкент почта алоқаси тармоқларида сусткашликка йўл қўйилганлиги қаттиқ танқид остига олинди. Кун тартибидagi масалалар юзасидан филиал директорининг биринчи ўринбосари Фуломиддин Авазов, бўлим бошлиқлари Алишер Ниёзов, Собир Турдиқулов, бош ҳисобчи Саидмурод Тошмуродовларнинг ҳисоботлари тингланди.

Филиал директори вазифасини бажарувчи Ориф Маҳмудов пенсия ва бошқа пул маблағларининг ўзлаштирилиши олдини олиш юзасидан бир қанча про-филлактик ишлар амалга оширилмаётганлиги, пенсия тўловларининг тўланиши, аҳолига сифатли почта хизматини кўрсатиш бўйича жойлардаги почта алоқаси тармоқлари зарур чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқирилиши кераклигини таъкиллади.

Йиғилишда кун тартибида қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Афтондил ИСМОИЛОВ

Педагогикада АРМ ҳолати ва тенденциялари

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Педагогика институтлари АРМ фойдаланувчиларига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни таъминлаш ҳолати ва замонавий ривожлантириш тенденциялари" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.



Семинарда мамлакатимиздаги педагогика институтларининг ахборот-ресурс марказлари мутахассислари иштирок этишди.

Миллий кутубхона мутахассислари "Ҳудудларда намунавий ахборот-кутубхона муассасаларини ташкил этиш масалалари", "UZMARC коммуникатив машина ўқийдиган формат каталоглаштиришнинг ягона талаблари", "Маълумотларни масофага етказиб бериш ва мультимедиа ресурслар базаси", "Олий ўқув

юртлари ахборот-ресурс марказларининг давлат библиографиясини юртидаги ўрни" ва "Ахборот-кутубхона муассасаларидаги ахборот-кутубхона ресурсларини ягона ҳисобга олиш тизими" каби долзарб мавзуларда маърузалар ўқишди. Ҳар бир мавзу юзасидан қизгин баҳс-мунозаралар бўлди. Тадбир якунида тингловчиларга Миллий кутубхона томонидан эсдалик совғалари тақдим этилди ва кутубхона бўйлаб экскурсия ташкил қилинди.

2004-2005 йилларда "JVIC" лойиҳаси асосида вилоятнинг 15та телефон боғламасида "NEAX-61" станциялари ишга туширилади. 1996-2010 йиллар давомида эса вилоят ҳудудига 338,3 км.га оптик толали алоқа кабели ётқизилди.

2011 йил Бухоро шаҳри ҳамда Когон, Ғиждувон, Вобkent туман телекоммуникациялар боғламаларида "Ягона ойна" хизмат кўрсатиш марказлари иш бошлаган бўлса, орадан яна бир йил ўтгач ҳудди шундай хизмат турлари вилоятнинг Бухоро, Қорақўл, Ромитан, Пешку, Шофиркон ва Жондор ТТБларида ҳам самарали жорий этилади.

"Электрон таълим" лойиҳаси асосида вилоятдаги 19та ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари, шунингдек, 12та олий таълим муассасасининг ягона VPN тармоғига уланганлиги нафақат талаба-йшлар, балки жойлардаги энг масканлари хизматидан фойдаланувчи барча йшдаги кишилар учун айни мудаоо бўлмақда.

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим

Асрий

Эзгу ниятлар ижобати



Бухоро
вилояти

Кўҳна
Бухоро

мустақиллик йилларида янгича қийфа касб этди. Санoат, қишлоқ хўжалиги, илм-фан, маданият, спорт ва бошқа йўналишларда эришилган ютуқ ва муваффақиятлардан бугун кўз қувнайди. Табиийки, алоқа ва ахборотлаштириш тизими ҳам бундан мустасно эмас. Соҳага, айниқса, кейинги 10 йил давомида ахборот-коммуникация технологияларининг тезкор кириб келиши натижасида мислсиз ўзгаришлар рўй берди.

Маълумки, 2007 йилдан бошлаб "Ўзбектелеком" АҚнинг "ЎзМобайл" филиали CDMA-450 стандарти асосида республикамизнинг барча минтақаларида мобил алоқа ва маълумотлар узатиш хизматларини кўрсатишга киришган эди. Барча ерда бўлганидек, Бухорода ҳам бу ўз ижобий натижасини берди. Шу тариқа CDMA-450 русумли уяли телефон алоқа станцияси фойдаланишга топширилиб, бошқа бир қатор ҳудудларни телефонлаштириш ва катта тезликдаги интернет хизматларини кўрсатиш имконияти юзага келди.

Ҳудудларда турли сифимдаги АТСлардан унумли фойдаланилаётганлиги мижозларга янада қулай хизматларни тақдим этиш имконини бермоқда. Жумладан, 2012 йилнинг сентябр ойидан бошлаб жойларда турли сифимдаги бешта АТС ишга туширилди. Бир қатор афзалликларга эга, яъни қўшимча хизмат турларининг кўплиги билан ажралиб турадиган ва кенг полосали хизматларни ўз ичига олган NGN (янги авлод тармоғи) туркумидаги Хитойнинг ZTE компанияси томонидан ишлаб чиқарилган қурилмалар — Soft Switch, MSAG (кўп сервисларни тақдим этувчи тармок), IAD (интеграллаштирилган қурилма) сингари ускуналарни ўрнатиш ишлари бошлаб юборилди. Шуниси эътиборлики, NGN тармоғининг юраги ҳисобланган Soft Switch қурилмаси вилоят марказидаги шаҳар автомат телефон станциясига ўрнатилиб, Бухоро ви-

лоятдан ташқари, мамлакатимизнинг бир йўла етгита ҳудудини — Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида ўрнатилган MSAG қурилмаларини бошқариш имконига эга эканлиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Кейинги йилларда вилоят алоқа тизимида рўй берган ўзгаришлар хусусида сўз борар экан, FTTx лойиҳаси асосида 456 портли ускуна 20га яқин аҳоли масканларига ўрнатилганлигини ҳам тилга олиб ўтиш жоиз.

Замонавий хизмат турларидан бири — кенг полосали интернетдан фойдаланувчи абонентлар сони бугунги кунга келиб вилоят буйича 13300дан ошиб кетган. Бундан ташқари, IPTV интерактив телевидение хизматлари татбиқ этилиб, абонентлар сони 479 нафарга етганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

Абдурахмон ШОБОЕВ,
"Ўзбектелеком" АҚ Бухоро филиали директори:

— Вилоятимиз телекоммуникация тармоқларига рақамли телефон станцияларининг кириб келиши туфайли маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувларининг ҳажми бир неча бараварга ошди. Ушбу йўналишдаги бунёдкорлик ишлари ва истиқболли режа-вазифалар ижроси изчил давом эттирилиб, "Ўзбектелеком" АҚ маҳаллий тармоғини NGN технологияси буйича модернизация қилиш ва ривожлантириш юзасидан Бухоро шаҳрида 11000 портга эга 14та MSAN қурилмасини ўрнатишга мўлжалланган мини-АТСлар учун 25,4 км. узунликда оптик толали кабел ётқизилди.



Бухоро шаҳридаги «Ягона ойна» маркази

Шаҳримиздаги 24-умумтаълим мактабида ўқиб юрган кезларимда ҳам, кейинчалик Бухоро юридик ва маиший хизмат касб-хунар коллежида таҳсил олганимда ҳам почта алоқаси соҳасида ишлаш иштиёқи заррача бўлса-да, тарк этгани йўқ. Коллеждаги ўқишимни тугатишим биланоқ "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Бухоро филиалининг вилоят марказидаги 14-алоқа бўлими сари йўл олдим. Бу ерда мен операторлик касби сирасорларини соҳада узоқ йиллар ишлаб келаётган Гулнора Бобоқуловдан кунт билан ўргандим. Маълум муддатдан сўнг айни пайтда ўзим фаолият кўрсатаётган алоқа бўлимига ишга ўтдим.

Алоқа бўлимимизнинг энг сўнгги русумдаги компьютер, терминал ва бошқа техник воситалар билан таъминланганлиги мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш имконини берапти.

Биз ёшлар собиқ совет тузуми қийинчиликларини кўрмай вояга етганмиз. Ўрта ва кекса авлод вакиллари қалбини узоқ йиллар давомида ўртаган, "Пахта иши", "Ўзбеклар иши" ниқоби остида миллатимиз ор-номуси ва шаъни оёқ ости қилинган оғир йиллар ҳақидаги асл ҳақиқатни, хуллас, юртимиз тарихининг ўқилмаган

саҳифаларини фақат бадий асарлар, ҳужжатли филмлар орқали билиб олганмиз. Бугунги навқирон авлод вакиллариининг бахти шундаки, тенгдошларимизнинг барчаси истиклол йилларида ўсиб-улғайиб, камолга етдилар. Бизнинг билим олишимиз, ўз олдимизга қўйган мақсадимизга эришишимиз учун юртимизда барча шароитлар муҳайё.

Дилноза ҚАҲҚОРОВА,
"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ
Бухоро филиали 21-алоқа бўлими бошлиғи

Муस्ताқиллик

Бухоро "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси ўз фаолиятини эндигина бошлаган кезларда унинг тасарруфиди атиги бир-иккита энгил машина бўлган. Орадан йиллар ўтиб, корхона "Нексия", "Дамас" сингари 10га яқин транспорт воситаларига эга бўлди. Бу автоуловлар эндиликда вилоятнинг энг чекка қишлоқларидаги обхоначиларга ҳам вақтдан матбуот нашрларини етказиб бериш имконига эга.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Бухоро филиалида компютерлар сони 2004 йилда бор-йўғи 43тани ташкил этар эди. Бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 271тага етган. Жумладан, 146та компютердан очиқ акциядорлик жамиятининг интерактив ҳамда аҳолига ахборот технологиялари негизиди янги хизмат турларини кўрсатишда фойдаланилмоқда.

Филиалда қўшимча хизматларни ривожлантириш мақсадида Ёшдувон ва Вобкент почта алоқаси тармоқларида компютер техникаси, телефон тузатиш шохбчалари ташкил этилган бўлиб, турли ёшдаги кишилар улар хизматидан баҳраманд бўлишмоқда.

сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

орзулар рўёби

Почта ва АКТ

Бугун соҳанинг қай бир ходими билан суҳбатлашманг, АКТ ҳақида тўққинлашиб сўз юритади.

Гарчи бир қатор тизимлардан кундалик ишда фойдаланилаётганлигига ҳали кўп вақт ўтмаган бўлсада, бу борада ҳам сезиларли натижаларга эришиляпти. Масалан, "Рўйхатга олинувчи почта жўнатмаларини назорат қилиш" тизими (РОПЖН)нинг жорий этилганлигига атиги уч йил бўлди. Бироқ ана шу қисқа вақт ичида унинг барча афзалликлари кўзга аниқ ташланди. Ушбу тизимга тўғридан-тўғри уланган филиалдаги почта алмашинув маскани, шунингдек, 11та почта алоқаси тармоғидаги саралаш участкалари ва 53 жойдаги почта алоқаси бўлимларининг кундалик ишини эндиликда айнан ана шу тизим фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. РОПЖНга боғланган автоматлаштирилган хизмат жойларида ҳам иш қайнайди. Бугун бундай жойлар сони 65та бўлиб, улар малакали мутахассис ва ходимлар билан тўлиқ таъминланган.

Мамлакатимизнинг барча гўшаларида бўлганидек, вилоят почта алоқаси соҳасида ҳам яна бир замонавий тизим — Раунет шохбчалари самарали ишляпти. Айни пайтда Жондор, Галаосиё, Когон, Шофиркон, Ромитан ва Вобкент почта алоқаси тармоқларида, Бухоро шаҳридаги 17-алоқа бўлими, шунингдек, сугурта бўлими ҳамда Фовшун, Қозон алоқа бўлимларида аҳоли ушбу хизматдан кенг фойдаланмоқда.

Нодир МАТЧОНОВ,
"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ
Бухоро филиали
АКТ бўлими бошлиғи:

— Кейинги 10 йилда филиалга қарашли почта алоқаси бўлимларидан 135тасининг компютерлаштирилганлиги, уларнинг "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг "Электрон пул ўтказмалари", "Тўловларни қабул қилиш" ва "Пенсия тўловлари ҳисоб-китоби назорати" ва автоматлаштирилган тизимларга уланганлиги соҳа ходимлари кундалик фаолиятида сифат ва самардорликка эришиш имконини беряпти. Диққатта сазовор муҳим бир жиҳат шундаки, мазкур тизимларнинг барчаси АКТ афзалликларидан тўғри фойдаланган ҳолда аҳолига янги хизмат турларини кўрсатишга йўналтирилган.

Кўнгилларга зиё улашиб...

Бухоро "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси ҳамда шаҳар ва туманлардаги филиалларида меҳнат қилаётган соҳа ходимлари истиқлолимизнинг 23 йиллигини ўзгача кўтаринкилик ва алоҳида ишчанлик билан кутиб олмоқдалар. Аҳил жамоада бугунги кунда вилоят бўйича жами 74 нафар ходим кундалик меҳнат билан банд. Даврий матбуот нашрларидан 104 номдаги газета, 170дан ортиқ номдаги адабий-бадиий, илмий-оммабоп журналларни обуначиларга ўз вақтида етказиб бериш уларнинг асосий вазифаси.

— Бундан 10 йилча олдин корхонамизда компютер йўқ эди, ҳисоб, — дейди бош ҳисобчи Гулнара Ҳасанова. — Ёзувчи, ҳисоб-китоб ишларини бажаришда анча қийналардик. Кейинги йилларда бу ҳолат батамом ўзгарди. Мавжуд муаммолар босқичма-босқич ҳал этилиб, нафақат корхонамиз, балки унинг шаҳар ва туманлардаги филиаллари ҳам компютерлаштирилди. Мана шуларнинг ҳаммаси шўъба корхона ва унинг жойлардаги филиаллари иқтисодий кўрсаткичларининг ошишига, меҳнат унумдорлиги талаб даражасида бўлишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, товар айланмаси бўйича кўрсаткичлар 2013 йили 3,8 миллиард сўмни, соф фойда эса 15,4 миллион сўмни ташкил этган эди. Жорий йилнинг дастлабки олти ойида товар айланмаси 2,3 миллиард сўмга етказилиб, соф фойда 9,5 миллион сўм атрофида бўлди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча кўпдир.

Молиявий кўрсаткичларнинг яхшиланиб бораётганлиги ишбилармон раҳбар Лазиз Қиличев бошчилигидаги корхона моддий-техника базасини янада мустаҳкамлашда ҳам, ходимларни ижтимоий-иқтисодий муҳофазалашда ҳам қутилган натижаларга эришишда ҳал қилувчи рол ўйнаяпти.

Вилоят жами обуначиларининг 60 фоизи бугунги кунда "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси хизматидан баҳраманд. Келгусидаги истиқболли режалар доирасида корхона учун қўшимча яна иккита "Дамас" энгил автомашинасини харид қилиш белгиланган. Барча "Матбуот" дўконларининг жорий йил охиригача замонавийларига алмаштирилиши эса талабчан мижозлар учун қўшимча имконият ва қулайликлар яратиши аниқ.



"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Бухоро филиали ва Бухоро шаҳар ТБ биноси

тенгдошларимиз

Шу йилнинг июл оyi 25-санасида роппа-роса 23 ёшга тўлдим. Юртимиздаги барча истиқлол тенгдошлари — 23 ёшлилар қатори менинг ҳам қалбимни чексиз орзумидлар чулғаб олган. Асосий мақсад ва орзум эса мамлакатимизда алоқа соҳасини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшиш, ТАТУнинг телекоммуникация факультетида олган назарий билим ва амалий қўникмаларимни кундалик иш фаолиятимда қўллаб, устозларим ишончини оқлашдан иборатдир.

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиалининг телефон алоқалари узатиш ускуналари цехида иш бошлаганимга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Соҳада узоқ йиллик иш тажрибасига эга Аҳмад Бахронов бошчилик қилаётган ушбу цехда Шаҳрилло Файзуллаев, Эркин Қаринов ва Фирдавс Ашуров сингари бир қатор ёш муҳандислар билан елкама-елка ишлаб келяпман.

Ҳозирги ёшларимиз қўлларини қаерга узатишса, албатта, етади. Ҳамма гап тинимсиз

изланиш, ўқиб-ўрганиш, танлаган соҳасининг билимдони бўлиб етишиш учун устозлар ўғитига қатъий амал қилган ҳолда юксак технологиялар асрида давр билан ҳамқадам одимлашда.

Цехимизда асосан ижара каналлари билан ишлаш, узатиш тизимлари қурилмаларидан фойдаланишда муайян натижаларга эришилиб, алоқа соҳасининг барқарор ривожланишида бир қатор ҳамкасб тенгдошларим сингари менинг ҳам озми-кўпми ҳиссам қўшилаётган экан, бундан чексиз мамнунман.

Нуршод АҲМЕДОВ,
"Ўзбектелеком" АК
Бухоро филиали муҳандиси

Қўшсаҳифа материалларини "Xabar"нинг Бухоро вилоятидаги муҳбири Асқар ИСТАМОВ тайёрлади.

UZINFOSOM[®]

маркази жамоаси



Юртдошларимизни
яқинлашиб келаётган
энг улуғ, энг азиз —
МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ
билан қутлайди!

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК

“ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ” филиали жамоаси

Мустақиллигимизнинг
23 йиллик тўйи билан
барчани қутлайди.

23



Озод диёримиз
мусаффо осмони узра
хуррият куёши
тоабад нур сочиб
тураверсин!

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК

САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ жамоаси

Азиз ватандошларимизни
Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги
билан муборакбод этади!

Юртимиз тинч,
oilаларимиз мустақкам,
жонажон Ватанимиз тоғлари
замина мусаффо бўлсин!

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК

ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ жамоаси

Ватандошларимизни
яқинлашаётган
ИСТИҚЛОЛ АЙЁМИ
билан муборакбод этади.



“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ НАМАНГАН ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Гўзал диёримиз аҳолисини
яқинлашиб келаётган
Мустақиллик байрами билан табриклайди.



Барчамизга бахт-саодат ва тинчлик-хотиржамлик доимо ҳамроҳ бўлсин!

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Азиз ҳамюртларимизни
Ўзбекистон мустақиллигининг
23 йиллиги билан самимий қутлайди.



Байрам нафаси, ҳамжиҳат
халқимиз турмушига фаровонлик,
тинчлик-осойишталик олиб кирсин!

“AUTO TRADE COOPERATION” МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

2014 йил 16 сентябр куни соат 11.00да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига “Ўзспиртсаноат” акциядорлик компаниясига қарашли 2004 йилда и/ч, д/р 01/702 ССА, Lasetti русумли, б/б 18 100 000 сўм, 2005 йилда и/ч, д/р 01/205 ZAA, Nexia русумли б/б 13 200 000 сўм бўлган автотранспорт воситалари кўйилади. Мазкур автотранспорт воситалари сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2014 йил 23, 30 сентябр, 7 октябр кунлари ҳамда ҳар ҳафта-нинг сешанба кунлари юқорида кўрсатилган соатларда ўтказилади.

Аукцион савдоси голиби томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига автотранспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 5 (беш) фоизи миқдорда комиссия йиғим тўланади. Аукцион савдоси голиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 (йигирма) иш куни ичида сотувчи билан автотранспорт воситаси олди-сотди шартномаси тузади. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10.00дан 16.00гача кўйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 10.00да тўхтатилади. Савдолар “AUTO TRADE COOPERATION” МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар “Закалат пули тўғрисидаги келишув” ни имзолагандан сўнг автотранспорт бошланғич баҳосининг 50 (эллик) фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “AUTO TRADE COOPERATION” МЧЖнинг ХОАТБ “InfinBANK” банкидаги МФО: 01041, ИНН: 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва кўйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий кўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.
E-mail: info@auksion.uz Телефон: (8595) 177-96-74.

Гувоҳнома № 005148

ФИДОЙИ

Тошкент алоқа музейидаги маълумотларга қараганда, Тўрақўрғон алоқа тармоғининг ташкил топганига қарийб 84 йил бўлди. Ўтган даврда тармоқда мислсиз ўзгариш ва янгиланишлар рўй берди.

Истиқлол шарофати билан бу ерда ҳам ислохотлар амалга оширила борилиб, почта алоқаси тармоғи ва телефон-телеграф тармоқлари бўйича алоҳида хизматлар йўлга қўйилди. Ана шундай эришилаётган муваффақиятларда соҳа фидойи алоқачиларининг катта улушлари бор.

Аҳил жамоада 36 йиллик иш тажрибасига эга тиним билмас Адҳамжон Ҳамдамовнинг ўрни ва макеи бор. У 1978 йил баҳорда фаолиятини дастлаб оддий хабарчиликдан бошлаган. Кейинчалик бўлим бошлиғи, бош хазиначи, пенсия ва обуна бўлимлари назоратчиси бўлди, 2007 йилдан “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Наманган филиали Тўрақўрғон почта алоқаси тармоғига бириктирилган почта хавфсизлик хизмати бўлинмаси техниги вазифасида садоқат билан ишламоқда.

Ҳозир тумандаги йигирмата алоқа бўлими марказий почта хизматида чамбарчас боғланган. Ҳар бир хат-хабар, почта жўнатмалари, матбуот нашрлари, пенсия ва нафақа тўловларининг ўз вақтида эгаларига етказиб берилишида А.Ҳамдамов юксак масъулиятни ҳис қилади. Эндигина алоқачиликка киришган ёш ходимлар учун унинг қимматли ўғит-маслаҳатлари жуда асқотади. Тармоқдаги устоз-шогирдлик аънанаси юксалишларнинг асосий гарови бўлиб хизмат қилмоқда.

Адҳамжон Ҳамдамов аини камолот ёшида. У эл хизматида доимо тайёрлиги билан бахтиёр, жамоат ишларида бош-қош. Ўзига юклатилган назоратчилик ишларини аъло даражада удаламоқда.

Қодир АБДУКАРИМОВ,
Ўзбекистон журналистлар ижодий уюммаси аъзоси

Хур ва обод юртга тўйлар ярашар.
Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги
 муборак бўлсин!

Хонадонингизга ободлик,
 дастурхонингизга тўкинлик тилаймиз!



“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК

СИРДАРЁ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Ҳамюртларимизни яқинлашиб келаётган
Мустақиллик байрами билан табриклаймиз.

Истиқдолимизга, ҳамжиҳатлигимизга
 кўз тегмасин!



“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ

НАВОИЙ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ
ХОРАЗМ ФИЛИАЛИ
ЖАМОАСИ

Гўзал диёримиз аҳолисини
 яқинлашаётган
Мустақиллик байрами
 билан табриклайди.

Барчамизга
 тинчлик-хотиржамлик
 доимо ҳамроҳ бўлсин!



“Ўзи-Жиззах” филиали жамоаси


Серкүёш юртимиз аҳолисини
 ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш
 тизими ходимларини

Истиқлол тантанаси
 билан табриклар,
 энг эзгу тилакларини
 йўллайди.



2014-yil 15-avgust, 33 (1143)-son

ДУШАНБА — 18 август



5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 7.00 "Замин гаройботлари". Х/ф. 7.25 "Икдим". 7.30 Миллий сериал: "Ўзи уйланмаган совчи". 8.00 "Ахборот". 8.40 "Ер сайраси". Х/ф. 9.30 "Кўнгил ободлиги". 9.55 "Икдим". 10.00 Миллий сериал: "Қисмат битиги". 10.35 "Андерсен эртаклари". М/с. 11.00 "Ахборот". 11.10 "Ватанпарвар". 11.55 "Икдим". 12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 13.00 "Мен ва У.". 13.25 "Япон боғи". 13.35 "Икдим". 13.40 "Юрган - дарё". 14.00 "Ахборот". 14.15 "Зиё" студияси: "Эътиқод мустақамлиги йўлида". 14.35 Миллий сериал: "Меҳмонжонлардан айланай". 15.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллигига. "Ўзбек модели". 15.35 "Хаёт". Х/ф. 16.00 "Билдимдон". Интеллектуал танлов. 17.00 "Ахборот". 17.10 "Эркин фикр". 17.20 "Икдим". 17.25 "Агроолам". 17.40 "Корачик". 18.00 "ТВ-шифокор".

18.05 "Кўнгил кўшиқ истайди". 18.15 "Муносабат". 18.55 Миллий сериал: "Қисмат битиги". 19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар. 19.30 "Ахборот" /рус/. 20.05 Миллий сериал: "Опа-сингиллар". 20.50 "Истиқлол солномаси". 21.00 "Ахборот". 21.40 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллигига. "Ўзбек модели". 22.10 "Кўнгил кўшиқ истайди". 22.20 "Шаҳар четдаги шифохона". Т/с. 23.10 - 23.35 "Замин гаройботлари". Х/ф. 23.35 Кўрсатувлар дастури. 23.40 "Ватанпарвар". 00.20 Миллий сериал: "Опа-сингиллар". 00.50 "Ахборот" /рус/. 1.30 Миллий сериал: "Меҳмонжонлардан айланай". 2.00 "Корачик". 2.20 ТелеТeatр: "Нажот истаб". 1-қисм. 3.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 4.00 "Ахборот". 4.40 Миллий сериал: "Ўзи уйланмаган совчи". 5.10 "Мен ва У.". 5.35 - 5.55 "Юрган дарё".



6.00 "Ватан меҳри". 6.10 "Тарангум". 6.50 "Муъжизам сеҳри". 7.00 "Зумраша".

7.10 "Мультипанорама". 8.00 "Гумбақ оғида". Т/с. 8.50 "Ешдик наволари". 9.10 "Этиксизлар". Т/с. 9.50 "UzEX". 10.00 "Қамолот-инфо". 10.10 "Филойилар". Т/с. 10.50 "Улкан табиий ҳодисалар". 11.50 "Истиқлол солномаси". 12.00 "Чархпалак". Т/с. 12.50 "Юрт келажаги". 13.00 "Давр". 13.10 "Испан афсонаси". Т/с. 14.20 "Муъжизавий дунё". 15.10 "Соғлом болажон". 15.30 "Миллий мультфильм". 15.50 "UzEX". 16.00 "Давр". 16.10 "Сержантлар". Т/с. 16.50 "Муъжизам сеҳри". 17.00 "Қамолот-инфо". 17.10 "Театр ва ёшлар". 17.30 "Автопатруль". 17.50 "Жумбоқ". Б/ф. 1-қисм. 19.00 "Давр". 19.30 "Алиса". Т/с. 20.20 "Нукта назар". 20.50 "Аскар". Т/с. 21.40 "Ешдик наволари". 22.00 "Давр". 22.30 "Испан афсонаси". Т/с. 23.10 "Сержантлар". Т/с. 00.40 "Улкан табиий ҳодисалар". 1.40 "Қорақаллоқ ёшлари". 2.00 "Муъжизавий дунё". 2.50 "Илҳом қанотлари".

4.50 "Қуна ва боқий". 5.30-6.00 "Давр". 5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним". 6.00, 8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 20.00, 2.00 "Ройтахт". 6.25 Миллий сериал: "Хаёт жилгалари". Т/с. 7.00 "Салом, Тошкент!". 7.50 "Соз сеҳри". 7.55 "Қим элгун ким бўлдиқ?" 8.25 Тошкент тароналари. 8.40 "Ройтахт-эко". 9.00 "Бахт маликаси". Т/с. 9.35 "Ройтахт спорт". 9.45 "Хор жомасининг концерти". 10.00, 14.00, 22.00 "Пойтахт" /рус тилида/. 10.20 "Полосатый рейс". Б/ф. /рус тилида/. 12.10 "Всё о туризме". 12.50 "Пойтахт на пульсе". 13.00 "Салом, Тошкент!". 13.50 "Ройтахт-репортаж". 14.10 "Дунё" телдастури. 15.00 "Ройтахт-biznes". 15.10 "Утай она". Т/с. 16.10 "Мушкетёр қиз". Б/ф. 1-қисм. 17.40 "Миттвойлар оиласи". 18.25 "Фан ва тараққиёт". 18.45 "Ройтахт-intervyu". 18.55 "Бахт маликаси". Т/с. /Премьера/.


19.30 Тошкент тароналари. 19.40 "Теле-маркет". 19.50 "Қим элгун ким бўлдиқ?" 19.55 "Навоий маҳзани". 20.25 "Утай она". Т/с. /Премьера/. 21.15 "Пойтахт йўлларида". 21.35 "Ройтахт-эко". 21.45 "Теле-маркет". 21.55 "Пойтахт-шаҳарлар". 22.20 "Амелия". Б/ф. /Рус тилида/. 00.05 "Саломат бўлинг!" тележурнали. 00.35 "Пойтахт йўлларида". 1.00 "Ройтахт-эко". 1.10 "Океани". Б/ф. /Рус тилида/. 2.25 "Скелинг". Б/ф. 4.00 "Салом, Тошкент!". 4.50 "Дунё". телдастури.



6.00 "Хайрли тонг". 6.05 Кўрсатувлар тартиби. 6.10 "Қорақаллоқ спорти". 6.25 "Sport Test". 6.30 Тонги гимнастика. 6.40 "Менинг таловим". 7.00 "SPORT-EXPRESS". 8.00 ХАБАРЛАР. 8.30 АНОНС. 8.35 ИНТЕРФУТБОЛ. 10.15 АНОНС. 10.20 "Орулар кемаси". 10.50 "Гурур". 11.05 Енгил атлетика. Европа чемпионати. 11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.

12.00 "SPORT-EXPRESS". 13.00 АНОНС. 13.05 Шоҳсулага йўл". 13.45 АНОНС. 13.50 "Техно-спорт". 14.00 ХАБАРЛАР. 14.15 "Sport ensiklopediya". 14.20 Елги ўсимлар Олимпиадасида. 16.20 АНОНС. 16.25 Теннис. АТР/WTA турнири. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Болалар спорти". 18.25 "Спорт-превью". 18.30 ХАБАРЛАР. 18.50 АНОНС. 18.55 "Техно-спорт". 19.05 "Sport rekordlar". 19.10 Елги ўсимлар Олимпиадасида. 20.30 "СПОРТ-МАРКЕТ". 20.35 "Футбол шарҳи". 21.25 АНОНС. 21.30 ХАБАРЛАР. 21.50 АНОНС. 21.55 ИНТЕРФУТБОЛ. 23.35 "Sport ensiklopediya". 23.40 "Маҳорат мактаби". 00.00 АНОНС. 00.05 Профессионал бокс. 00.55 АНОНС. 1.00 ХАБАРЛАР. 1.20 АНОНС. 1.25 Волейбол. Гран при турнири. 3.05АНОНС. 3.10 Сузиш. Европа чемпионати. 4.15 АНОНС. 4.20 - 5.50 Теннис. АТР/WTA турнири.

СЕШАНБА — 19 август




6.00 "Ватан меҳри". 6.10 "Тарангум". 6.50 "Навоий сабқлари". 7.00 "Зумраша". 7.10 "Мультипанорама". 8.00 "Алиса". Т/с. 8.50 "Ешдик наволари". 9.10 "Этиксизлар". Т/с. 9.50 "UzEX". 10.00 "Давр". 10.10 "Филойилар". Т/с. 10.50 "Улкан табиий ҳодисалар". 11.50 "Юрт келажаги". 12.00 "Чархпалак". Т/с. 12.50 "Истиқлол солномаси". 13.00 "Давр". 13.10 "Испан афсонаси". Т/с. 14.20 "Муъжизавий дунё". 15.10 "Соғлом болажон". 15.30 "Миллий мультфильм". 15.50 "UzEX". 16.00 "Давр". 16.10 "Сержантлар". Т/с. 16.50 "Қорақаллоқ ёшлари". 17.10 "Давр мавзуси". 17.30 "Соғлом оила - соғлом бола". 17.50 "Жумбоқ". Б/ф. 2-қисм. 19.00 "Давр". 19.30 "Алиса". Т/с. 20.10 "Имкон-шоу". 20.50 "Аскар". Т/с. 21.40 "Ешдик наволари". 22.00 "Давр". 22.30 "Испан афсонаси". Т/с. 23.40 "Зар замин".

00.10 "Сержантлар". Т/с. 00.40 "Улкан табиий ҳодисалар". 1.40 "Автопатруль". 2.00 "Муъжизавий дунё". 2.50 "Ватанпарвар". 3.30 "Ҳамсаҳоник кечаси". 4.50 "Нукта назар". 5.30-6.00 "Давр". 5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним". 6.00, 8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 20.00, 2.00 "Ройтахт". 6.25 Миллий сериал: "Хаёт жилгалари". Т/с. 7.00 "Салом, Тошкент!". 7.50 "Соз сеҳри". 7.55 "Қим элгун ким бўлдиқ?" 8.25 Тошкент тароналари. 8.40 "Ройтахт-эко". 9.00 "Бахт маликаси". Т/с. 9.35 "Ройтахт спорт". 9.45 "Сайёр камера". 10.00, 14.00, 22.00 "Пойтахт" /рус тилида/. 10.20 "Пойтахт на пульсе". 10.30 "Альпе паруса". Б/ф. /рус тилида/. 12.10 "Всё о туризме". 12.50 "Ройтахт-vaziyat". 13.00 "Салом, Тошкент!". 13.50 "Ройтахт-intervyu". 14.10 "Дунё" телдастури. 15.00 "Ройтахт-biznes". 15.10 "Утай она". Т/с. 16.10 "Мушкетёр қиз". Б/ф. 2-қисм.

17.35 "Саргузаштлар ороли". 18.25 "Истелод". 18.45 "Пойтахт-интервью". 18.55 "Бахт маликаси". Т/с. /Премьера/. 19.30 Тошкент тароналари. 19.40 "Теле-маркет". 19.50 "Қим элгун ким бўлдиқ?" 19.55 "Навоий маҳзани". 20.25 "Утай она". Т/с. /Премьера/. 21.15 "Шаҳарим". 21.35 "Ройтахт madaniyat". 21.45 "Теле-маркет". 21.55 "Пойтахт-шаҳарлар". 22.20 "Тель". Б/ф. /Рус тилида/. 00.05 "Бахт кўрони". 00.30 "Қонуи дорисида". 00.45 "Тошкентнома". 1.00 "Ройтахт madaniyat". 1.10 "Океан вулкани". Х/ф. /Рус тилида/. 2.25 "Мушкетёр қиз". Б/ф. 1-қисм. 4.00 "Салом, Тошкент!". 4.50 "Дунё". телдастури.

11.05 Велоспорт. 11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар. 12.00 "SPORT-EXPRESS". 13.00 "Футбол шарҳи". 13.50 "Техно-спорт". 14.00 "Sport ensiklopediya". 14.05 Профессионал бокс. 14.55 Елги ўсимлар Олимпиадасида. 16.50 АНОНС. 16.55 Теннис. АТР/WTA турнири. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Менинг таловим". 18.20 "Техно-спорт". 18.30 ХАБАРЛАР. 18.50 АНОНС. 18.55 "Ифтихоримсан, спорт!". 19.10 Елги ўсимлар Олимпиадасида. 20.35 "СПОРТ-МАРКЕТ". 20.40 "RING". 21.25 "Sport rekordlar". 21.30 ХАБАРЛАР. 21.50 АНОНС. 21.55 Елги ўсимлар Олимпиадасида. 23.00 Сузиш. Европа чемпионати. 4.30 АНОНС (ТИМН). 00.05 ИНТЕРФУТБОЛ. 1.40 ХАБАРЛАР. 2.00 АНОНС. 2.05 Волейбол. Гран при турнири. 3.25 "Ўзбек спорти олимлари". 3.55 Велоспорт. 4.45 АНОНС. 4.50 - 5.50 Теннис. АТР/WTA турнири.

ЧОРШАНБА — 20 август



8.00 "Алиса". Т/с. 8.40 "Табасум қиз". 8.50 "Ешдик наволари". 9.10 "Этиксизлар". Т/с. 9.50 "UzEX". 10.00 "Давр". 10.10 "Филойилар". Т/с. 10.50 "Улкан табиий ҳодисалар". 11.50 "Истиқлол солномаси". 12.00 "Чархпалак". Т/с. 12.50 "Юрт келажаги". 13.00 "Давр". 13.10 "Испан афсонаси". Т/с. 14.20 "Муъжизавий дунё". 15.00 "Соғлом болажон". 15.10 "Миллий мультфильм". 15.50 "UzEX". 16.00 "Давр". 16.10 "Сержантлар". Т/с. 16.50 "Қамолот - сенинг ҳаракати". 17.50 "Дўстлик". Б/ф. 1-қисм. 18.50 "Истиқлол солномаси". 19.00 "Давр". 19.30 "Алиса". Т/с. 20.20 "Нукта назар". 20.50 "Аскар". Т/с. 21.40 "Ешдик наволари". 22.00 "Давр". 22.30 "Испан афсонаси". Т/с. 23.40 "Зар замин". 00.10 "Сержантлар". Т/с. 00.40 "Улкан табиий ҳодисалар". 1.40 "Давр мавзуси". 2.00 "Муъжизавий дунё". 2.40 "Шарҳ гавҳари". 4.00 "Жаҳон муносиқаси". 5.30-6.00 "Давр".

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним". 6.00, 8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 2.00 "Ройтахт". 6.25 Миллий сериал: "Хаёт жилгалари". Т/с. 7.00 "Салом, Тошкент!". 7.50 "Соз сеҳри". 7.55 "Қим элгун ким бўлдиқ?" 8.25 Тошкент тароналари. 8.40 "Ройтахт madaniyat". 9.00 "Бахт маликаси". Т/с. 9.35 "Ройтахт спорт". 9.45 Дони Зокиров номдаги "Халқ чолуасбоблари" оркестрининг концерти. 10.00, 14.00, 22.00 "Пойтахт" /рус тилида/. 10.20 "Ройтахт-vaziyat". 10.30 "Шербурские зонтки", Б/ф. /рус тилида/. 12.20 "Всё о туризме". 13.00 "Салом, Тошкент!". 13.50 "Пойтахт-интервью". 14.10 "Дунё" телдастури. 14.10 "Ройтахт-biznes". 15.10 "Утай она". Т/с. 16.10 "Мушкетёр қиз". Б/ф. 1-қисм. 17.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллигига. "Юрт ҳидида кўшиқ". 18.25 "Милли гавҳар". 18.45 "Ройтахт-репортаж". 18.55 "Бахт маликаси". Т/с. /Премьера/.

19.30 Тошкент тароналари. 19.40 "Теле-маркет". 19.50 "Қим элгун ким бўлдиқ?" 19.55 "Навоий маҳзани". 20.00 "Ройтахт news". 20.25 "Утай она". Т/с. /Премьера/. 21.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллигига. "Улуғимсан, Ватаним". 21.35 "Пойтахт-эко". 21.45 "Теле-маркет". 21.55 "Пойтахт-шаҳарлар". 22.20 "Неспашие в Сизте". Б/ф. /Рус тилида/. 00.05 "Дилбанди" тележурнали. 00.35 "Эртанги эгалари". 00.50 "Истелод". 1.00 "Пойтахт-эко". 1.10 "Қаскят". Х/ф. /Рус тилида/. 2.25 "Мушкетёр қиз". Б/ф. 2-қисм. 4.00 "Салом, Тошкент!". 4.50 "Дунё". телдастури.

11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар. 12.00 "SPORT-EXPRESS". 13.00 АНОНС. 13.05 "RING". 13.50 "Техно-спорт". 14.00 ХАБАРЛАР. 14.15 "Sport ensiklopediya". 14.20 Елги ўсимлар Олимпиадасида. 16.30 АНОНС. 16.35 Теннис. АТР/WTA турнири. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Матонат". 18.15 АНОНС. 18.20 "Техно-спорт". 18.30 ХАБАРЛАР. 18.50 АНОНС. 18.55 "Халқ ўйинлари". 19.15 Елги ўсимлар Олимпиадасида. 20.00 Футбол. Биринчи лига шарҳи. 20.25 "СПОРТ-МАРКЕТ". 20.30 ХАБАРЛАР. 20.50 АНОНС. 20.55 ИНТЕРФУТБОЛ. 22.55 "Sport rekordlar". 23.00 Елги ўсимлар Олимпиадасида. 00.00 АНОНС. 00.05 Сузиш. Европа чемпионати. 00.55 "Sport ensiklopediya". 1.00 ХАБАРЛАР. 1.20 АНОНС. 1.25 ИНТЕРФУТБОЛ. 3.05 "Ўзбек спорти олимлари". 3.35 Велоспорт. 4.25 АНОНС. 4.30-5.50 Теннис. АТР/WTA турнири.

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 7.00 "Замин гаройботлари". Х/ф. 7.25 "Икдим". 7.30 Миллий сериал: "Ўзи уйланмаган совчи". 8.00 "Ахборот". 8.40 "Қитталарнинг мавжудлик сирин". Х/ф. 9.30 "Игона оилادا". 9.45 "Навоий олами". 10.00 Миллий сериал: "Қисмат битиги". 10.35 "Андерсен эртаклари". М/с. 11.00 "Ахборот". 11.10 Миллий сериал: "Опа-сингиллар". 11.55 "Икдим". 12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 13.00 "Табиб". Б/ф. 2-қисм. 14.00 "Ахборот". 14.15 "Устурлоб". 14.35 Миллий сериал: "Меҳмонжонлардан айланай". 15.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллигига. "Ўзбек модели". 15.30 "Хаёт". Х/ф. 15.55 "Ойдин хаёт". Ток-шоу. 16.40 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллигига. "Эркин ва обод Ватан". 1-қисм. 17.00 "Ахборот". 17.10 "Сен элгиз эмассан". 17.25 "Қишлоқдан мактаблар". 17.45 "Қунарнинг бирлада". 18.00 "ТВ-шифокор". 18.05 "Кўнгил кўшиқ истайди". 18.15 "Боқий Тошкент". 18.25 "Ҳаммаси ҳаёт ҳақида". 18.50 Миллий сериал: "Қисмат битиги".



6.00 "Ватан меҳри". 6.10 "Тарангум". 6.50 "Навоий хазинаси". 7.00 "Зумраша". 7.10 "Мультипанорама".

ЯҚШАНБА — 24 август

Кетма-кет учинчи ғалаба

Норвегиянинг Тромсё шаҳрида давом этаётган 41-Бутунжаҳон шахмат Олимпиадасида 10-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Қувонарлиси, Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси кетма-кет учинчи ғалабани қўлга киритди.

Бу сафар 11-рақам остида таснифланган голландиялик гроссмейстерлар мағлуб этилди. Рейтинг жиҳатидан биздан анча устун бўлган гроссмейстерларга қарши учрашувда, айниқса, тўртинчи тахтада ўйнаган Жаҳонгир Воҳидов қаҳрамонлик кўрсатди. У тажрибали гроссмейстер Робин Ван Кампенни ютишиниг улдасидан чиқди.

Бунгача ўтказилган учта партияда Рустам Қосимжонов бошчилигидаги гроссмейстерларимиз рақиблари билан муросага келишганди. Бу тарихий ғалаба Олимпиадада 33-рақам остида сараланган шахматчиларимиз учун совринли ўринлардан бирини эгаллаш имконини берди.

Аниш Гири (2745) — Рустам ҚОСИМ-ЖОНОВ (2700) 0,5:0,5

Эрвин Лами (2631) — Антон ФИЛИП-ПОВ (2615) 0,5:0,5

Люк Ван Вели (2662) — Марат ЖУМАЕВ (2510) 0,5:0,5

Робин Ван Кампен (2638) — Жаҳонгир ВОҲИДОВ (2471) 0:1.

Кечаги ғалабадан сўнг Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси 15 очко билан 7-ўринга кўтарилиб олди. Эътиборга молик жиҳати, 3-ўринни эгаллаб турган Франция терма жамоасида ҳам худди биз каби 10та учрашувдан 7та ғалаба, битта дуранг ва икки мағлубият бор. Фақат қўшимча кўрсаткичларга кўра, 7-поғондан жой олганмиз.

Мусобақанинг сўнгги турида Рустам Қосимжонов сардорлигидаги шахматчиларимиз Ҳиндистон терма жамоаси гроссмейстерларига қарши дона суришади.

Ёш олимпиячилардан умид катта

Ўзбекистон спорт делегацияси жорий йилнинг 16-28 август кунлари Нанкин шаҳрида бўлиб ўтадиган Ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун 11 август кўни Хитойга жўнаб кетди.

2010 йили Сингапурда ўтган I-ўсмирлар Олимпиадасида 21 нафар спортчимиз иштирок этиб, 3 кумуш ва 6 бронза медални қўлга киритган бўлса, бу йилги Олимпиадада 28 нафар спортчимиз 14 спорт тури бўйича баҳсларда иштирок этади. Сингапур Олимпиадасига йўлланма олган спортчиларимиз асосан пойтахт ва еттига вилоятдан терма жамоага сараланган ёшлар бўлса, бу йилги Олимпия ўйинлари йўлланмасига эга бўлган ёшлар юртимизнинг деярли барча ҳудудларидан сараланган иқтидорли спортчилардир.

Нанкин Олимпиадасига йўлланмаларни қўлга ки-



риттан спортчи ва мураббийларнинг мазкур нуфузли мусобақага муносиб тайёргарлик кўришини таъминлаш мақсадида қатор спорт турлари бўйича терма жамоалар бир неча босқичли халқаро ва юртимизнинг тоғ-

ли ҳудудларида ташкил этилган ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этди. Уларнинг жисмоний-руҳий, техник ва тактик тайёргарлик кўриши учун спорт базаларида етарли шароит муҳайё қилинди.

Қосимовлар оиласи ғолиб

"Соғлом бола йили Давлат дастури" ижросини таъминлаш мақсадида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сирдарё филиали ҳамда касаба уюشمаси кўмитаси томонидан филиалда ишловчи ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида "Соғлом оила" оилавий спорт мусобақалари шаҳар ва туман почта алоқаси тармоқларида ўтказилиб, якунда филиалнинг назорат ва таҳлил бўлими бошлиғи Тоҳир Қосимов оиласи биринчи ўринни эгаллади.

"Алпоминш" спорт саройида ўтказилган касаба уюшмаларининг оилавий спорт мусобақалари вилоят босқичида эса Тоҳир Қосимов оиласи иккинчи ўринни эгаллаб, фахрий ёрлиқ билан тақдирланди. Навбатдаги ғолиблик уни мамнун қилиб юборди.

У.УМУРЗОҚОВ,
филиал касаба уюشمаси кўмитаси раиси

Маҳмуджон кумуш медал соҳиби

Хорватиянинг Загреб шаҳрида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича Ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Эркин кураш бўйича вазни 50 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида иштирок этган ҳамюртимиз Маҳмуджон Шавкатов финалга қадар кечган беллашувларда барча рақибларини мағлубиятга учратиб, кумуш медални қўлга киритди.

Эслатиб ўтамиз, Маҳмуджон Шавкатов 2013 йили ўтказилган жаҳон чемпионатида бронза медал билан тақдирланган эди.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси жамоаси Кўмитанинг Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси етакчи мутахассиси Муқаддас Жўрабосовага падари бузруквори

АБДУҚАҲҲОР отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

- 5.55 Кўрсатувлар дастури.
- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
- 7.00 "Табассум".
- 7.20 "Оловуддиннинг сеҳрли чироғи". Б/ф. 2-қисм.
- 8.00 "Ахборот".
- 8.40 "Олтин оҳу". М/ф.
- 9.10 "Шумтакалар".
- Ҳажвий тележурнал.
- 9.25 "Иқлим".
- 9.30 Болалар учун фильм: "Қақнус".
- 11.00 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
- 11.45 "Қўнларнинг бирлиги".
- 12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
- 13.00 "Иқлим".
- 13.05 "Дилнаво".
- 13.35 Ҳинд киноси: "Яшасин Жей!" Премьера.
- 15.45 "Муъжизалар макони".
- 16.10 "Иқлим".
- 16.15 "Хўшчақчақ".
- 16.40 "Лоракс". М/ф.
- 18.05 "Шумтакалар".
- Ҳажвий тележурнал.
- 18.20 "Иқлим".
- 18.25 Жаҳон музикаси ҳазинасидан. Ж. Пуччини.
- "Турандо". 2-қисм.
- 19.25, 20.00, 20.55 Ўғлонлар.
- 19.30 "Таҳлилнома" /рус/.
- 20.05 "Ўзингни англа".
- Ток-шоу.
- 21.00 "Таҳлилнома".
- 21.40 "Заковат".
- 22.40 "Ҳаво очик кунда". Б/ф.
- 00.10 - 00.25 "Қўнларнинг бирлиги".
- 12.25 Кўрсатувлар дастури.
- 00.30 "Шумтакалар".
- Ҳажвий тележурнал.
- 00.45 "Шарқ тароналари".
- 1.00 "Таҳлилнома" /рус/.
- 1.30 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
- 2.15 "Табассум".
- 2.35 "Кўтириқчоқлар".
- 3.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
- 4.00 "Таҳлилнома".
- 4.40 "Заковат".
- 5.40 - 5.55 "Қўнларнинг бирлиги".

- 7.55 "Ким эдигу ким бўлдиқ?"
- 8.00 "Роутак news".
- 8.20 Тошкент тароналари.
- 8.30 "Дилбанди" тележурнали.
- 9.00 Миллий сериал: "Белор туйғулар". Т/с.
- 9.40 "Тошкентнома".
- 9.55 Ҳинд киноси: "Муҳаббат оҳанглари". Б/ф.
- 12.50 "Роутак madaniyat".
- 13.00 "Салом, Тошкент!"
- 13.50 "Сеҳрли ўрмон сирини". М/ф.
- 15.00 "Обод хонадон".
- 15.20 "Алло кайфият".
- Ҳажвий кўрсатув.
- 15.40 "Қалд ортида".
- 16.00 "Роутак-авто".
- 16.10 Болалар учун фильм: "Ўй-қўлгаги малика".
- 17.30 "Миттвийол оиласи".
- 17.50 "Тўй можароси". Б/ф.
- 19.30 Тошкент тароналари.
- 19.40 "Теле-маркет".
- 19.50 "Ким эдигу ким бўлдиқ?"
- 19.55 "Навоний махзани".
- 20.00 "Ҳикматли дунё".
- Теленовелла.
- 20.30 "Бахт кўрғони".
- 21.00 "Ўзбегим рақелари".
- 21.15 "Теле-маркет".
- 21.25 "Пойтахт-шаҳарлар".
- 21.30 "Анна Каренина".
- Б/ф. /Рус тилида/.
- 23.35 "Бир о туризм".
- 00.05 "Дом". Х/ф. /Рус тилида/.
- 1.20 "Шаҳрим".
- 1.40 "Мисли гавҳар".
- 2.00 "Роутак".
- 2.20 "Орзуидаги эркак". Б/ф.
- 4.00 "Салом, Тошкент!"
- 4.50 "Дунё". телестастури.

- 6.00 "Хайрли тонг"
- 6.05 Кўрсатувлар тартиби.
- 6.10 ФУТБОЛ. ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ. "БУНЁДКОР" — "ДИНАМО".
- 7.55 АНОНС.
- 8.00 ХАБАРЛАР.
- 8.10 "Sport Test".
- 8.15 ИНТЕРФУТБОЛ.
- 9.55 АНОНС.
- 10.00 "Маҳорат мактаби".
- 10.20 АНОНС.
- 10.25 "Ватан шаъни".
- 10.50 Ёзги ўсмирлар Олимпиадасида.
- 12.15 "Sport rekordlagi".
- 12.20 "Қувноқ стартлар".
- 12.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
- ***
- 13.00 "Қорақалпоқ спорти".
- 13.15 Бокс. Халқаро турнир.
- 14.10 "Куч бирлиги".
- 14.40 Ёзги ўсмирлар Олимпиадасида.
- 16.00 "Эстафета".
- 16.20 АНОНС.
- 16.25 Теннис.
- АТР, WTA турнири.
- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- ***
- 18.00 "Орзулар кемаси".
- 18.30 ХАБАРЛАР.
- 19.00 АНОНС.
- 19.05 "Спортимиз маликалари".
- 19.40 Ёзги ўсмирлар Олимпиадасида.
- 21.25 "СПОРТ-МАРКЕТ".
- 21.30 ХАБАРЛАР.
- 22.00 АНОНС.
- 22.05 ИНТЕРФУТБОЛ.
- 23.45 "Гурур".
- 00.00 АНОНС.
- 00.05 Бокс. Халқаро турнир.
- 1.05 АНОНС.
- 1.10 Сузши.
- Европа чемпионати.
- 3.10 АНОНС.
- 3.15 Трамплиндан сакраш.
- Ёзги гран при.
- 4.15 АНОНС.
- 4.20 - 5.50 Теннис.
- АТР, WTA турнири.

- 6.00 "Ватан меҳри".
- 6.10 "Унутилмас оҳанглар".
- 7.00 "Зумраша".
- 7.10 "Мультианорама".
- 8.00 "Алиса". Т/с.
- 8.50 "Қаҳҳақ". Ҳажвий.
- 9.10 "Ош бўлсин!"
- 9.40 "Истиқлол солномаси".
- 9.45 "Omadi lotto".
- 10.00 "Ватаншарвар".
- 10.40 "Келинлар кўзголини".
- Спектакль.
- 12.40 "Қалпоқ". Ҳажвий.
- 13.10 "Дон Нихот болалари".
- Б/ф.
- 14.30 "Нуктаи назар".
- 15.10 "Умид". Б/ф.
- 16.30 "Қамолот" - сенинг ҳаракатинг".
- 17.30 "Қароқчи чоллар". Б/ф.
- 19.00 "Давр ҳафта ичида".
- 19.30 "Тумбаз остида". Т/с.
- 20.20 "Имкон-шоу".
- 21.10 "Хўп бўлади, хўжайин".
- Б/ф.
- 00.00 "Ош бўлсин!"
- 00.30 "Ватаншарвар".
- 1.10 "Илҳом қанотлари".
- 3.10 "Шарқ гавҳари".
- 4.30 "Имкон-шоу".
- 5.10 "Соғлом оила — соғлом бола".
- 5.30-6.00 "Давр ҳафта ичида".

Афғонча
наполеон

Хамирига: 250 грамм маргарин, бта тухум сариғи, 1 стакан сметана ёки майонез, ярим қути разрыхлитель, 3,5 стакан ун.

Оқсилли кремига: 3та тухум оқи, 1 стакан шакар, 1,5 стакан чақилган ёнғоқ.

Сариёғли кремига: 300 грамм сариёғ, 1 банка қуюлтирилган суг, ванилин.

Безагига: хоҳишга кўра чақилган ёнғоқ ёки кокос қириндиси.

Тайёрланиш усули: Маргарин қирғичдан ўтказилиб, ун билан қориштирилади. Тухум сариғига майонез ёки сметана кўшиб аралаштирилади ва разрыхлитель солиниб, хамирга қўшилади ва хамир қорилди. Хамир ярим соат тиндириб қўйилади. Энди эса оқсилли кремни тайёрлаймиз. Бунинг учун 3та тухум оқи яхшилаб кўпиртирилади ва оздан шакар солиб, қуюқ нишолда ҳолатига келтирилади. Сўнгра хамирни уч бўлакка бўлиб, ҳар бирини тўртбурчак шаклда ёйиб, ҳар бир зувалчани ёйиб, крем суртамыз ва ёнғоқ сепиб, ўрта оловда усти олтин тусга киргунича пишириб оламиз. Энди эса сариёғли кремни тайёрлаймиз. Крем тайёрлаш учун



Нортожи ЗИЁЕВ,
"Хабар"нинг Сурхондарё
вилоятидаги муҳбири

Навоийни
англаётган оила

Яқинда Шарғун шаҳарча фуқаролар йиғинига қарашли Тоқчиён маҳалласида яшайтган Шарифа Алибоева ҳаётида галдаги қувончли воқеа рўй берди. Турмуш ўртоғи унга Алишер Навоийнинг истиқлол йиллари нашрдан чиққан саккиз жилдалик сайланмасини тўхфа қилди. Кутилган соғва нафақат хонадон бекасини, балки фарзандларини ҳам савинтириб юборди. Дарвоқе, улар буюк мутафаккир шoir қаламига мансуб бебаҳо адабий меросни биргаликда ўрганишмоқда.

Аслини олганда, Шарифахон баъзи уй бекаларидан бир ажайиб фазилати ила ажралиб туради. Бўш вақтларини китоб ўқиш билан ўтказишга одатланиб қолган. Айниқса, унинг мумтоз адабиётимиз намоеъдалари асарларига меҳри бўлакча!

Шарифахон фақат Навоий асарларини мутолаа қилиб, тафаккурини бойитиб қолмайди, балки шoirнинг кўплай рубойи ва ғазалларини ёддан билади. Шу боис у Тоқчиён маҳалласи ва ҳууддаги 5-мактабнинг маънавий-маърифий тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқда. Навоийхонлик кечаларида унинг фарзандлари Шаҳзода ва Самандар Раҳмоновларнинг чиқишлари чин маънода олқишга сазовор бўляпти. Эътиборлиси, бу йил мактаб ўқувчилари бўлишган ака — Самандар ҳамда сингли — Шаҳзода туман вилоят ва республика кўрик-танловларида ҳам совринли ўринларни эгаллашди.

Сариосиё туман ахборот-ресурс маркази раҳбари Саидахон Алиеванинг таъкидлашича, бу оилавий китобхонларга ҳар томонлама ҳавас қилсак арзийди. Уйда мўъжазгина кутубхонага эга бўлишларига қарамасдан, туман ахборот-ресурс марказига мунтазам қатнаб, фаол китобхонлар сафида бўлишга ҳаракат қилишади. Навоийни ўрганиш ўзликини англаш, ватанини севиб яшаш каби ноёб хислатларни мукамал шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Ёш китобхон Самандар Раҳмонов шoirнинг:

*Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш,*

деган рубойисини ифодали ва образли қилиб айтар экан, мисралар

мазмунини ўз қувваи ҳофизаси даражасида тушунтиришга интилади. Бу орқали тингловчилар қалбида ватанпарварлик ҳиссини уйғотишга баҳолиқудрат ҳаракат қилади. Дарҳақиқат, ўзга юртда дастурхонга қўйилган таом қанчалик ширин бўлмасин — татимайди. Бегона жойнинг эли бегоналигича қолади. Ўз Ватанинг, ўз тупроғингда юрганга, давру-даврон сурганга не етсин!

Кенг ва узоқ манзилларда сариосиёлик Раҳмоновлар оиласига ўхшаш китобхон хонадонлар оз эмас! Булар шoir ижодини ўрганиш бараварида "Ёшлар" телерадиоканали орқали бериб борилаётган "Навоийга йўл" кўрсатув ва эшиттиришини кўриб ҳамда тинглаб боришяпти. Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов ижросидаги дастур Навоийни англаш йўлидаги интилишларда ўзига хос аҳамият касб этмоқда. Демак, аждодларимиз мероси авлодлар қалбидан мустаҳкам жой олаётган экан, мустақил Ватанимиз келажиги, албатта, буюк бўлади.

Табриклаймиз!

"Ўзбекистон почтаси"
ОАЖ Қорақалпоғистон филиали Нукус туман почта алоқаси тармоғи жамоаси тармоқ бош ҳисобчиси Айжамал ТОЛЕНОВАни 40 ёши билан чин дилдан табриқлайди. Унга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр тилайди.

Навоий вилоят ахборот-кутубхона-маркази жамоаси ва бошланғич касба уюшмаси кўмитаси марказ ходими Матлуба САВИМОВАни 50 ёши билан самимий муборакбод этади. Унга мустаҳкам соғлиқ, фарзандлари камолдини кўриб юришини тилайди.

"Ўзбекистон почтаси"
ОАЖ Фарғона филиали жамоаси ва бошланғич касба уюшмаси кўмитаси Ровош ПАТ ходимлари Турабек САИДБЕКОВ ҳамда Раҳимжон ЖОНУЗОҚОВни 55 ёши, Тошлоқ ПАТ ходими Муҳаммад УСМОНОВни 50 ёши билан чин дилдан табриқлайди. Уларга соғсаломатлик, ишларида ривож тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси ва бошланғич касба уюшмаси кўмитаси Марғилон ШТБ ходими Манзураҳон НИШОНОВАни 50 ёши билан самимий кутлайди. Унга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар роҳатини кўришини тилайди.

сариёғни хона ҳароратида юмшатиб оламиз ва унга қуюлтирилган суг, ванилин солиб, миксерда яхшилаб кўпиртирамыз. Совутилган коржларнинг ҳар бир қаватига крем суртиб бўлгандан сўнг майдалаб олинган ёнғоқ ёки кокос қириндисини устки қаватига сепиб чиқамиз. Тайёр бўлган торт хона ҳароратида икки соат туриши керак.

Л.СУЛТОНОВА тайёрлади

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АЛОҚА АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ДАВЛАТ КЎМИТАСИ

Бош муҳаррир
Абдусайд КЎЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақам билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

Тахририят келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин.
Наширимиздан кўчириб босилганда "Хабар"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матиларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета
ҳафтанинг
жума кунин
чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манз.: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-865 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қозғоқ бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 10992 нуска.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бувиёдор шоҳқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер

базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.

Навбатчи: Муборак МИРКАМОЛОВА.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80

Бухорода 715-87-21

Гулистонда 240-00-46

Жиззахда (94) 199-95-64

Навоийда 225-91-10

Нукусда 554-35-45

Самарқандда 230-64-80

Термизда (91)235-88-68

Тошкентда 288-40-66

Урганча (90) 713-21-40

Фарғонада 244-18-05

Қаршида (93)931-08-99